O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 30-noyabr, chorshanba ● № 49 (749) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Ноёб топилмалар

«Интерфакс» тарқатган маълумотларга қараганда, Россиянинг Тобол дарёси тубида ўтказилган тадқиқотлар натижасида кўплаб қадимги ҳайвонлар суяклари топилган.

Маълум бўлишича, ғоввослар сув тубидан бир неча юз килограмм мамонт, бизон, от ва бошқа ҳайвонларнинг суякларини олиб чиқишган.

5-бет

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳақидаги янгиликдан отахон аввалроқ хабар топган бўлса-да, бу мактабда ўқийдиганлар давлат таъминотида бўлиб, ҳарбий касбни чуқур эгаллаш баробарида энг замонавий ўқув хоналарида билим олиб, соҳа илмини пухта эгаллашини эшитиб кўзлари чақнаб кетди.

— Шунақа, де. Ҳам ўқитса, ҳам ҳунарли қилса. Жуда зўр-ку. Кичик набирамни сержантлар мактабида ўқитаман.

3-бет

Тасвир ва тасаввур

Яқинда «Маънавият» нашриётида тайёрланган «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» мавзуидаги плакатлар туркуми фикримизнинг яққол исботи бўла олади. Уларда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузли ўрни, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ёрқин суратларда акс этган.

8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченни I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига имзо чекди.**
- 26 ноябрь куни пойтахтимиздаги "Маърифат маркази" мажмуидаги Симпозиумлар саройида "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.
- **26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.**
- 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда А.Бакулиев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори, Россия тиббиёт фанлари академияси академиги Лео Бокерияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг кардиожарроҳлик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.
- **24 ноябрь куни Республика Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон ва Покистон ишбилармон доираларининг бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.**

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир. Фарғона вилояти она ва бола скрининг марказида бу борада изчил ишлар олиб борилмоқда.

Марказда малакали шифокорлар томонидан ҳомиладор аёлларни мутахассис кўригига жалб қилиш, ҳомиланинг ривожланишини мунтазам кузатиб бориш, чақалоқларни белгиланган муддатда скрининг текширувидан ўтказиш борасида сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар ёрдамида касалликлар эрта аниқланиб, она ва бола ўз вақтида соғломлаштирилаётир.

Суратда: *болалар шифокори Муҳаббат Мақсудова.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Бизнинг тажрибамиз соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доимий ва узлуксиз жараён эканидан далолат беради. Тиббиёт ҳам илм-фан, ҳам амалиёт сифатида мунтазам такомиллашиб бормоқда ва бу бизнинг миллий соғлиқни сақлаш моделимизда ўз ифодасини топмоқда.

Ислом КАРИМОВ

(Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги Халқаро симпозиум очилишидаги нутқидан.)

8-декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ХАЛҚЧИЛ ҚОМУС



Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ унинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда тузилган Конституциявий комиссия 1992 йил 8 сентябрда Асосий Қомусимизни яратиш йўлида бажарилган ишни маъқуллади ҳамда Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этишдан аввал уни яна бир бор синчиклаб ўрганиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳи тузилди. 1992 йил 26 сентябрда эса мамлакат Конституция лойиҳаси илк бор матбуотда эълон қилинди.

Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди. Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги туфайли қарийб икки ой мобайнида билдирилган фикр ва мулоҳазалар ўрганилди. Ижодий кўтаринкилик руҳида ўтган халқ муҳокамаси Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали амалий мактаби бўлди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда баҳс-мунозаралар қизғин тус олди. Давра суҳбатлари, анжуманлар бўлиб ўтди.

Матбуот саҳифаларида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ фикр ва мулоҳазалар эълон қилинди. 5 мингдан зиёд таклифлар билдирилди. Муҳокама жараёнида лойиҳа матни анча тузатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп этилди.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент — икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларини фаоллаштирди. Натижада умумхалқ фикр алмашуви янгича тус олди. Мазкур акциянинг аҳамияти шундан иборат эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантида муҳокама жараёнидаги ўз иштирокларининг натижасини кўра олдилар. Негаки, янги вариантда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида фуқароларнинг фаол қатламидан келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топган эди.

2 »

ОБУНА — 2012

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол таргиботчисидир.
Маълумингизки, 2012 йил учун обуна давом эттирилмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT"*нинг нашр индекси — 233*

Ифтихор

Оналар дуоси

"Ўзбекистон қачон шу даражага кўтарилиб улгурди, бу юртга келиб тасаввурим мутлақо ўзгариб кетди" — Тошкентда ўтказилган Халқаро симпозиумга келган хорижлик меҳмон ҳайрати бизда ифтихор туйғусини уйғотди.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақлнинг ҳаётий ифодасини айни шу ўринда кўриш мумкин эди. Рост-да, дунёда Ўзбекистонни кўрмай туриб, бу мамлакатни собиқ иттифоқнинг чекка ўлкаси сифатида тасаввур қилиб юрганлар қанча?!

Билмаганлар билиб қўйсин: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида имзолаган биринчи рақамли Фармон оналар саломатлигини таъминлаш ҳақида бўлган. Ушанда илк қадамнинг эзгу ният билан бошланганлигини зийрак кузатувчилар алоҳида таъкидлашганди.

Ўзбекистоннинг биринчи ордени "Соғлом авлод учун" деб аталиши-чи?! Ушбу нишондаги тасвирга эътибор қилинг: она ва боланинг бир-бирига парвона бўлиб тургани акс эттирилган. Мазкур орден инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимизда турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, унга сазовор кишиларни бу вазифаларни сидқидилдан адо этадиган, ёш авлод камолоти учун ўзини бағишлайдиган фидойи инсонлар деб биламиз. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Бош директори Маргарет Чен Президентимиз Фармонига биноан I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирлангани ҳам рамзий маънога эга.

Оналар ва болалар соғлом турмуш кечириши ҳақидаги ғамхўрлик истиқлол йилларида бир кун ҳам тўхтаб қолган эмас. Агар 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб аталган бўлса, XXI асрнинг биринчи йили "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинди. Юртбошимиз ўшанда онани Яратганимизнинг буюк мўъжизаси деб таърифлади. Барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб ўзининг бутун борлиғини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси — Оналар ва жондан азиз болаларимиз давлат мақомида эъзозланди.

2 »

ХАЛҚЧИЛ ҚОМУС

(Бошланиши 1-бетда.)

Фуқаролар Конституциявий комиссия томонидан уларнинг овози эшитилганлигига, таклифлари тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди.

Ўзбекистон Конституциясини яратишда жаҳон конституциявий тажрибасининг қуйидаги жиҳатлари ўз ифодасини топди:

биринчи, республика бошқарув шакли — бевосита халқ бошқарувининг шаклларидан бири эканлиги;

иккинчи, конституциявий тартибга солишнинг классик принциплари — ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлик, Конституциянинг барқарорлиги;

учинчи, Конституция матнини мукаддима ва бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тақсимлаш ҳамда уларни мантиқий жойлаштириш;

тўртинчи, мазмунининг қисқалиги — реал давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган ортиқча қоидаларга йўл қўймаслик мақсадида Конституцияда келажакда қабул қилинадиган қонунларга оид ҳаволалар йўқлиги ҳам шу мақсад билан боғлиқ;

бешинчи, мафкуралаштиришдан воз кечиш, яъни бир мафкура ҳукмронлигидан воз кечиш; фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги;

олтинчи, конституциявий кафолатлар — Конституция устуворлиги, Конституциявий суд тузилиши, Асосий Қонунга ўзгартиш киритишнинг алоҳида тартиби.

Аввалги "иттифоқ" конституцияларидан фарқли равишда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида фақат Европага хос конституциявий тартибга солишнинг тазйиқи йўқ. Лекин Ғарб мамлакатларининг демократик конституцияларига хос бўлган фуқаролик жамияти, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, мувозанат ва ўзаро чеклаб туриш тизимига оид нормалар инобатга олинган. Бу ерда ислом дини маънавий анъаналарининг таъсири сезилади, давлат катта оила каби тушунилиши ва раҳбар ушбу оила ҳар бир аъзосининг тинчлиги, қадри ва фаровонлиги учун масъуллиги яққол кўзга ташланади.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имконини берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сессияда Конституцияни "**халқчил Қомус**» деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой давомида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у омманинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини таъкидлади.

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам бир қатор ўзгартишлар киритдилар.

Давлатимиз раҳбари Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этган барча фуқароларга самимий миннатдорлик билдирди.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни Президент Ислом Каримовнинг "**Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома" бўлганлиги, у "халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини" акс эттириши, унинг "халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули" эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигани тасдиқлайди**.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи бўйича россиялик мутахассис А.Якушев шуни таъкидлайдики, "Ўзбекистоннинг Конституцияси собиқ иттифоқдош давлатларнинг конституциялари орасида биринчи эди (бошқа барча МДҲ давлатлари ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992-1996 йилларда қабул қилинган).

Ўзбекистон Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, **қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради**".

Ўзбекистонда конституциявий қурилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарлари, чиқишларида ифодалаб берган беш асосий принцип ташкил қилади. Бу асос бўлувчи ғоялар ва қоидалар Ўзбекистон тараққиёти ва миллий истиқлол мафкурасининг тамал тошидир.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлари доктори, профессор

Оналар дуоси

(Бошланиши 1-бетда.)

Президент 2001 йилнинг энг устувор вазифасини белгилар экан, аввало, бошқарув органлари, жойлардаги ҳокимликлар, идора ва муассасалар, барча ташкилотлар эътиборини Аллоҳ таолонинг марҳамати билан она бағрида вужудга келган зурриёднинг соғлом ҳолда ривожланиши, уни энг замонавий тиббий воситалар ёрдамида кузатиб бориш ва парваришлашни, пировард натижада онанинг саломатлигини сақлаб, боланинг ҳам соғлом туғилиши учун зарур шарт-шароит яратишни фақат бир йил мобайнида эмас, ҳамиша таъминлаш лозимлигини уқтирди.

Барча ота-оналар ва тарбиячилар зиммасига фарзандларимизнинг онги шаклланадиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал қадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгида очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш асосий вазифа сифатида юкланди.

Нега "она" сўзининг ёнида "бола" каломи ҳамиша ёнма-ён келяпти. "Чунки бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни ота-онаси бағрида, ота-онаси паноҳида яшайдиган даврни тушунамиз". Президентимиз ана шу жиҳатларга эътибор қилар экан, барча жараёнларда она ва боланинг ҳаёти бир-бирига узвий боғлиқлигини, она ва оиланинг болага таъсири, унинг айнан шу муҳитда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан озиқ олишини унутмасликка даъват этади.

Айнан Оналар ва болалар йилида турмуш қурган минглаб ёшлар тиббий кўрикдан ўтдилар, 50 минг ёш оила тиббий ҳимояга олинди, мамлакатимизнинг барча минтақаларида "Она ва бола скрининги" каби янги тизимлар жорий этилди. Фақат 2001 йилда эмас, Оила йилида ҳам, Аёллар, Соғлом авлод, Меҳр ва мурувват, Сиҳат-саломатлик, Ҳомийлар ва шифокорлар, Баркамол авлод йилларида ҳам она ва бола саломатлиги доимий эътиборда турди. Мамлакатимизда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 20 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ камайди. Ўзбекистон жорий йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингида ўсиб келаётган ёш авлод ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Бундай меҳр ва эътибордан юртимиздаги жами оналар сидқидилдан дуо қилишмоқда. Шундай обод ва озод Ватанда яшаш, тинч ва осойишта турмуш учун, ана шу шароитни яратган давлатимиз раҳбарига қарата: "Илоҳим, умри-жонингиздан барака топинг, дунё тургунча яшанг" дея Яратгандан сўраяпти. Оналарнинг дуоси ҳамиша қабул бўлган.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Бўлғуси ҳуқуқшунослар кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган "Ёш ҳуқуқшунослар" республика кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ ҳамкорлигида ташкил этилган кўрик-танловда ҳуқуққа ихтисослашган коллеж ва лицей ўқувчилари иштирок этди. Хусусан, унда 1-Тошкент юридик коллежининг "Куч — адолатда", 2-Тошкент юридик коллежининг "Консенсус", ТДЮИ қошидаги академик лицейнинг "Тафаккур", Жиззах ҳуқуқшунослик коллежининг "Концул", Наманган юридик коллежининг "Ўзбегим ёшлари", Фарғона ҳуқуқшунослик коллежининг "Статус-кво", Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг "Девиантус", Бухоро маиший хизмат ва юридик коллежининг "Координатор" гуруҳлари ўзаро куч синашишди.

Беллашув натижаларига кўра, "Куч — адолатда» ҳамда "Девиантус" жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўринни Наманган вилоятининг "Ўзбегим ёшлари» жамоаси эгаллади. Учинчи ўринга эса "Концул" (Жиззах вилояти) ҳамда "Статус-кво" (Фарғона вилояти) жамоалари лойиқ деб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар танловнинг I, II ва III даражали дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Фаолият

Ёшлар ва фуқаролик жамияти институтлари

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мамлакатни модернизациялашда муҳим жиҳатлардан саналган давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш, кўппартиявийлик тизими ёхуд парламент фаолиятини такомиллаштириш каби кўламдор вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани бунинг исботидир. Бу борада эътиборга олиниши лозим бўлган яна икки жиҳат борки, туб ислоҳотлар жараёнида уларни четлаб ўтиш мумкин эмас.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этиши, улар муҳим ижтимоий қатлам сифатида ўзига хос эътиборни талаб қилиши табиий ҳол. Шунингдек, жамиятнинг фаол аъзолари бўлмиш ёшларнинг манфаатларини қаноатлантирадиган механизмни яратиш масаласи фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлар моҳиятан турли қатламдаги жамият аъзолари манфаатларининг қондирилишига бевосита хизмат қилаяпти. Жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги таъминлангани, адолат тамойилининг юқори даражадалиги ёхуд ҳар бир фуқаронинг ўз манфаатларини тегишли ижтимоий гуруҳлар орқали таъминлай олиш механизмининг мавжудлиги фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади ҳамда давлат бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга аралашувини чеклашини англатади. Маълум бўладики, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллиги фуқароларнинг манфаатларини қондирибгина қолмай, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фуқаролик позициясининг шаклланишига ҳам бевосита хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларга эҳтиёжнинг ортаётганлиги ҳамда улар сонининг бугунги кунда 5200 тадан ошгани бевосита уларнинг фаолияти реал воқеликка мослиги ва асосийси, жамият аъзоларининг манфаатларига уйғунлиги билан изоҳланади.

Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатимизда жамият аъзоларида янгича тафаккурнинг шаклланиши, жамият тараққиёти, инсонга муносабатнинг ижобий жиҳатдан ўзгариши, замон талаби, хусусий мулкчиликка кенг имконият яратилиши каби омиллар билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда ўтган 20 йил давомида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллашуви эртанги кун ворислари — ёшларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилаётгани қувонарлидир. Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, унинг тасарруфидаги "Камалак" болалар ташкилоти фаолияти бевосита ёшларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, улар навқирон авлоднинг жамиятда ўз салоҳиятларини намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яратадиган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамдир. Ёшлар ҳаётида соғлом турмуш тарзини барпо этиш, уларни пухта билим, малакали касб эгаллашлари орқали ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишида "Соғлом авлод" жамғармасининг фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур жамғармани айнан "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" концептуал ғояси ижросини таъминлаш мақсадида тузилган фуқаролик жамияти институтининг ёрқин намунаси, дейиш мумкин. Бундан ташқари, ёшлар манфаатларини таъминлашни мақсад қилган "Меҳр нури", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Янги авлод", "Келажак овози" каби нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам фуқаролик жамияти қуриш жараёнларини тезлаштиришдаги аҳамияти беқиёсдир.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти бир-бири билан бевосита боғлиқ. Фуқаролик жамияти институтлари ўз моҳиятига кўра, демократик онг ва демократик қадриятларни жамият аъзолари шуурига сингдириш орқали демократик конституциявий механизмларни яратиб боради. Ёшлар эса фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ва тажрибасини ўзлаштириб, бойитиб ҳамда шакллантириб борувчи субъект сифатида ўзлигини намоён қилади.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
ТДЮИ доценти

2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Тадбиркор манфаати – устувор

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бандлик масаласини ҳал этиш, ички бозорни товар-маҳсулотлар билан тўлдириш ва, пировардида, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда беқиёс имкониятларга эга. Шу боис юртимизда соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъектларининг сони, банд бўлган ходимлар салмоғи, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Президентимизнинг шу йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик равнақи йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу Фармонда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилиниши, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши аниқ белгилаб қўйилди. Шунингдек, Фармон билан хўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республика ҳудудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини тўлашдан озод этилди.

Жаҳон иқтисодиёти молиявий инқирозни бошдан кечираётган бир даврда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш катта ўрин тутади. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги "2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини янадан чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Маҳаллийлаштириш давлат дастурига киритилган корхоналар четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловларини тўлаш бўйича 2014 йилнинг 1 январига қадар имтиёзлар берилган. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида ушбу дастур доирасида товарлар импортида божхона тўловларидан 133,5 миллиард сўм имтиёз берилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг 9 ойидаги кўрсаткичга нисбатан 3,2 фоизга кўпайган.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилаётган бундай имтиёз ва қулайликлар тўғрисида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг асосийси, тадбиркорларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар, кўрилаётган чора-тадбирлар соҳа ривожи, демакки, ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш учун хизмат қилмоқда.

Малоҳат РАЖАБОВА,
Янгийўл ижтимоий иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

ЖАРАЁН

Даъват

Барча бирдек масъул

Кейинги йилларда халқимиз, мамлакатимиз меҳмонлари учун жуда кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК томонидан дунё талаблари даражасидаги йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини яратиш бўйича кўплаб диққатга сазовор ишлар бажарилди. Йўловчи ташиш вагонлари учун таърифлашга тил ҳам лол бўлган электровозлар, юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездлар харид қилинди, минглаб километр темир йўллар қурилди. Уларга хизмат кўрсатадиган иншоотлар барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг бебаҳо мулки, мамлакатимизнинг файзидир.

Мамлакатимиз темир йўлларида ҳар куни 30 дан ортиқ йўловчи ва юк поездлари белгиланган манзилларига йўл олади. 22 мингдан ортиқ йўловчилар ўзлари учун яратилган шарт-шароитлардан мамнун бўлиб, кўркам ва бежирим вагонларда дўсту ёрлари, ота-оналари истиқболига ошиқади. Шундай экан, темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг ҳаётини асраш фақат мазкур тизим ходимларининг эмас, балки барчамизнинг бурчимиз ҳамдир.

Таассуфки, темир йўлларда юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигига дахл қилувчи воқеалар тез-тез такрорланиб туради. Бундай ҳолатларнинг юзага келишига баъзан билиб-билмай болаларнинг аралашиб қолаётгани ачинарлидир. Болаларни бола десак, катталарнинг қилмишлари ҳам улардан кам бўлмаяпти. Масалан, шу йилнинг 6 ноябрь куни кеч соат 19 дан 20 дақиқа ўтганда Қашқадарё вилоятидаги "Жайрон-Нишон" темир йўл участкасининг 4162 километрида "Дамас" русумли автомашина поезд билан тўқнашиб кетди. Умуман олганда, йил бошидан буён республика ҳудудидаги темир ва автомобиль йўллари кесишмаларида поездлар билан автомобилларнинг 18 та тўқнашув ҳолати қайд этилди. Бунга, аввало, автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузишлари сабаб бўлмоқда. Қолаверса, темир йўли ўтган ҳудудлардаги автокорхоналар ва маҳаллаларда аҳоли ўртасида мутасадди ходимларнинг тушунтириш ишларини суст олиб борилаётгани сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Темир йўл транспорти тўғрисидаги"ги Қонунининг 21-моддасида "Темир йўл бекатлари, вокзаллар ва темир йўлнинг ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа бўлинмалари ҳудудлари, поездлар ҳаракати амалга ошириладиган ҳамда маневр ва юк ортиш, юк тушириш ишлари бажариладиган йўловчилар платформалари ва темир йўл тармоқлари ўта хавфли зоналар ҳисобланади ва зарурат бўлганда атрофи ўраб қўйилади", деб қайд этилган. Аммо баъзи бир жойларда девор ва темир панжара тўсиқларини синдириш, назоратсиз болаларнинг поездларга тош отиш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 1 май куни "Насаф" тезюрар поезди ўтиб кетаётганда номаълум шахслар томонидан электровозга тош отилган ва машина кабинасининг ойнаси синган. Шу куни ушбу йўналишда ҳаракатланаётган "Регистон" поезди йўлида, яъни рельс устига бегона жисм қўйилган. Машинистнинг ҳушёрлиги туфайли поезд ўз вақтида тўхтатилиб, оқибати ёмон ҳолатларга сабаб бўладиган нохушликнинг олди олинди.

Йўловчи вагонларни рейсга тайёрлаш депосининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг 10 ойи давомида 144 та вагон ойналари синган. Натижада темирйўл компанияси 8 миллион 931 минг сўм моддий зарар кўрган.

Бу каби мисолларни келтиришдан мақсад ҳар бир фуқарони атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ҳушёрлик билан қарашга ундаш, йўловчилар ҳаётини муҳофаза қилиш, халқ мулки ҳисобланган темир йўл транспорти воситаларини авайлаб-асрашдан иборат.

Агар оила, маҳалла, мактаб, корхона, ташкилотларда юқоридаги нохушликларнинг олдини олиш бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилса, бу албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

Ўз мулкимизни асрайлик!

Алламберген ҚАЛИМБЕТОВ,
"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси матбуот котиби

«Ватан азиз, жасорат мангу» республика танловига



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Танишларимдан бирининг жиянини сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга олишмоқчи экан. Аммо унинг ўзи муддатли ҳарбий хизматга боришни орзу қилармиш. Суҳбатдошимнинг гап оҳангидан сездимки, жиянини муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш борасида йўл-йўриқ сўрамоқчи.

— Муддатли ҳарбий хизматга боришни истовчилар ҳақиқатан ҳам жуда кўп, — дедим унга бу соҳадаги тартиб-қоидаларни тушунтирган бўлиб. — Улар орасидан энг муносиблари танлаб олинадиган бўлган. Чақирув комиссияси таркиби давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат бўлади. Чақирилувчи ҳар томонлама соғлом бўлиши, тест синовларидан ўтиши, юқори балл тўплаши лозим.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резервига олинади.

Бу хизматни ўтаганлар ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдошлари қатори ҳарбий гувоҳнома олишади. Ҳатто Қуролли Кучларда шартнома бўйича хизмат қилишлари, олий ҳарбий билим юртида ўқишлари, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлашлари мумкин.

Шу суҳбат Қўшрабодга борганимда бир отахон билан қилган гурунгимизни ёдга солди. Ўшанда ҳам гап айланиб армиямиз, аскарлар ҳаётидаги ўзгаришларга бориб тақалганди. Шунда отахон:

— Мана, сен кўп жойда бўласан, кўп нарсани кўрасан. Бир нарсани сўрамоқчиман, — деди.

— Бемалол.

— Эшитишимча, ҳозир мамлакатимиз ҳарбий қисмларида тартиб-қоидалар бутунлай бошқача бўлиб кетибди. Илгари одамлар фарзандини ҳарбий хизматдан олиб қолишга ҳаракат қиларди. Энди эса «ўғлимни армияга олинглар», деб илтимос қилиб юрувчилар кўп. Бунинг сабаби нима?!

Шунда мен отахонга Юртбошимиз раҳнамолигида миллий армиямизда ўтказилаётган ислоҳотлар туфайли ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб, унда хизмат қилиш фахр-ифтихорга, шон-шараф ишига айланганини айтиб бердим. Шунингдек, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун асосида ҳозир муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, контракт бўйича ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати жорий этилгани ҳамда аскарларимиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлангани айни пайтда уларнинг ижтимоий муҳофазасига катта эътибор берилаётгани ҳақида батафсил ҳикоя қилдим.

Сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳақидаги янгиликдан отахон аввалроқ хабар топган бўлса-да, бу мактабда ўқийдиганлар давлат таъминотида бўлиб, ҳарбий касбни чуқур эгаллаш баробарида энг замонавий ўқув хоналарида билим олиб, соҳа илмини пухта эгаллашини эшитиб кўзлари чақнаб кетди.

— Шунақа, де. Ҳам ўқитса, ҳам ҳунарли қилса. Жуда зўр-ку. Кичик набирамни сержантлар мактабида ўқитаман. Юртни қўриқласин, — деди кўнгли ўсиб.

Дарҳақиқат, Қуролли Кучларда ўтказилаётган кенг ислоҳотлар маҳоратда, матонатда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳарбийларимизни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Қўшинларни тайёрлаш, уларни энг илғор техника билан таъминлашга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор бериляпти. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликда аъло натижаларга эришган аскарларга олий ўқув юртига киришда имтиёзлар ҳам мавжуд.

Кўрган-билганларимиздан келиб чиқадиган хулоса шундай: фахр-ифтихор манбаи, ҳаёт мактаби бўлган армиямизнинг нуфузи тобора ошиб, ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун олий шарафга айланди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида ҳар қандай синовларга бардошли аскарлар ўз бурчини шараф билан адо этишаяпти. Халқимиз ҳамиша ўзининг мард ва жасур ўғлонларига ишонади, уларнинг мардлиги, фидойилиги билан фахрланади.

Равшан ШОДИЕВ,
журналист

Билмаганни билган яхши

Муомалага лаёқатсиз деб топиш тартиби қандай?

Нотариал идораларга мурожаат этувчи шахсларнинг муомалага лаёқати чекланганлиги ёки уларни муомалага лаёқатсиз деб топиш қандай ҳуқуқий ҳужжатлар асосида аниқланади ва шу юзасидан қандай чоралар кўрилади?

Н.Жўраев
Тошкент шаҳри

— Дарҳақиқат, нотариал идораларга фуқаролар турли масалалар юзасидан мурожаат этишади. Ҳар бир масала замирида у ёки бу фуқаронинг моддий, мулкий ва ҳоказо манфаатлари бўлиши, улар ўзаро муносабатларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши табиий. Шуни назарда тутган ҳолда, нотариал идора ходими ишни мурожаат этувчи фуқаронинг шахсини у томонидан тақдим этилган паспорт асосида аниқлашдан бошлайди. Сўнг мурожаат этувчи билан ўзаро суҳбат ўтказади. Ушбу суҳбат асносида мурожаат этувчи фуқаронинг муомалага лаёқатли ёки лаёқатсиз эканлигига эътибор қаратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нотариал идора ходими зиммасидаги бу вазифани амалдаги қонун ҳужжатлари асосида бажаради. Чунончи, Фуқаролик кодексининг 30-моддасида "Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин"лиги белгилаб қўйилган. Фуқаролик процессуал кодексида эса бутун бир боб (33-боб назарда тутилмоқда) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш масаласига бағишланган.

Шу ўринда савол туғилади: мурожаат этувчи фуқаронинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракати нотариал идора ходимида муайян шубҳа уйғотди, дейлик, у ҳолда қандай чоралар кўрилади? Бу саволга амалиётда учраган ҳаётий бир мисол ёрдамида жавоб беришга ҳаракат қилайлик.

Кунларнинг бирида М. исмли фуқаро нотариал идорага махфий васиятномани тасдиқлаш мақсадида мурожаат этди. Одатдагидек, суҳбат чоғида унга васиятномани тузиш тартибини тушунтиришга киришилди. Мана шунда М.нинг муомаласи, фикрлаши, хатти-ҳаракати нотариусда шубҳа уйғотди. Ундан ҳол-аҳвол сўрашга, бетоб эмасмисиз, деган савол билан мурожаат қилишга тўғри келди, шунда фуқаро М.нинг шаҳар асаб касалликлари шифохонасида рўйхатда туриши маълум бўлди. Табиийки, бундай ҳолатларда у билан нотариал ҳаракат амалга оширилмайди.

Нотариал идора хизматида турли хил ҳолатлар учрайди. Ўзининг муомалага лаёқатсиз эканлигини яширишга, нотариусни чалғитишга уринишлар ҳам бўлади. Бундай вазиятларда мурожаат этувчи фуқаронинг яшаш жойидаги оилавий поликлинкага мурожаат этилиб, унинг соғломлигини тасдиқловчи маълумотнома талаб қилинади. Ва ўша маълумотномага кўра иш тутилади.

Саволга Яккасарой туманидаги 6-ДНИ нотариуси Ҳамиджон ЗОҲИДОВ жавоб берди.

Нотариал тасдиқланиши шарт

— Уй-жой ҳадя шартномаси нима? Уни тузиш ва нотариал тасдиқлаш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Исмоил Жонузоқов
Қоровулбозор тумани

Таъкидлаш керакки, уй-жой ҳадя шартномаси яқин қариндошлар ўртасида тузилади. Уни нотариал расмийлаштиришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

— паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

— уй-жой мулк ҳуқуқини берувчи далолатнома ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;

— уй-жойнинг кадастр ҳужжатлари йиғма жилди;

— оиланинг биргаликда яшовчи ва рўйхатда турувчи вояга етган аъзоларининг розилиги;

— "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;

— уй-жойни сотиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги ҳақидаги тегишли давлат нотариал идорасининг маълумотномаси;

— уй-жойда доимий рўйхатга олинган шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёхуд уй дафтари;

— давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

— уй-жой коммунал хизматлари учун тўланадиган мажбурий тўловлар, телефон алоқаси хизмати учун тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, уй-жой ҳадя шартномаси бўйича бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га уй-жойни текинга топширади ёки топшириш мажбуриятини олади. Уй-жой ҳадя шартномасини расмийлаштириш нотариал идора томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилинганидан сўнг амалга оширилади.

Саволга Вобкент туман ДНИ нотариуси С.ШАРИПОВ жавоб берди.

Нафс балоси

ТОМОША "ҚОЛДИРИЛДИ"!

Хонадонимиздаги телевизор мабодо бузилиб қолгудек бўлса, ўзимизни қўярга жой тополмай қоламиз. Айниқса, сифати кафолатланмаган телевизорларни сотиб олганлар бу ҳолга кўп тушишади. Чунки, кўпчилик телевизор харид қилаётганда арзон нархга учади-ю, унинг сифатига кафолат берувчи тегишли ҳужжатлари билан қизиқиб кўрмайди. Бундан эса телевизорлар савдоси билан ноқонуний шуғулланувчи кимсалар фойдаланиб қолишга уринишади.

Республикамиз божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида ана шундай кимсалар фош этилди.

Қамчиқ довонининг Наманган вилояти ҳудудида ҳаракатланаётган "КамАЗ" юк машинаси божхона назоратидан ўтказилганда унга ортилган ва муқаддам ноқонуний йўллар билан олиб кирилган 46 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар орасида "Super Slim", "Hairun" маркали 76 та телевизор ҳам борлиги аниқланди. Юк эгаси В.Тожиббев ушбу товарларнинг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи биронта ҳам ҳужжатни тақдим қила олмади.

Тошкент вилояти божхоначилари томонидан Ўртачирчиқ туманида ҳаракатланаётган "АГБ-ПАЗ3672-СПГ" русумли автобус тўхтатилиб кўздан кечирилганда салонда хорижда ишлаб чиқарилган, аммо тегишли ҳужжатлари бўлмаган 79 та "Samsung" телевизори олиб кетилаётгани фош қилинди. Аниқланишича, муқаддам Тожикистондан олиб кирилган салкам 80 миллион сўмлик бу товарлар бекободлик А.Саидовга тегишли экан.

Ҳозир юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Ҳусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори

ЯШИРИН ЦЕХ ФОШ ЭТИЛДИ

Яширин иқтисодиёт тараққиёт кушандасидир. Шунинг учун ҳам унга қарши курашиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Бу борада бўлимимиз ходимлари томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли ноқонуний ишлаб чиқариш йўлига кескин ғов қўйилиб, унинг пайи қирқилмоқда.

Туман ҳудудида фаолият юритаётган яширин цехларни аниқлаш йўналишида ўтказилган тадбир натижасида "Улуғбек" фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи Каримжон Жўраев ўз уйида ҳамтовоқлари Миркомил Юлдошев, Мурод Бердиқулов, Зокир Шамсуддинов ва Сардор Абдуҳамидовлар билан бирга мўмай даромад топиш илинжида хонаки усулда ёғ ишлаб чиқараётганлиги аниқланди. Ўтказилган тезкор тадбирда бу ердан умумий баҳоси 3495296 сўмлик мойжувоз ускуналари ва хомашё маҳсулотлари топилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, айбдорлар айбларига яраша жазо олишди.

Бир донишманддан "Энг кучли одам ким?" сўраганларида, у: "Ўз нафсини енга олган киши", деб жавоб берган экан. Ҳақиқатан ҳам ҳалоллик билан топилган мол-давлатга шукрона келтириб яшаш кишига обрў-эътибор келтиради. Аксинча, нафс жиловини берган кимсаларнинг охирқибат эл-юрт олдида юзлари шувут бўлиши турган гап. Юқоридаги мисол сўзимиз исботидир.

Равшан ЖАББОРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖҲДЛҚК департаменти Бекобод туман бўлими бошлиғи

МЎМАЙ ФОЙДА ИЛИНЖИДА...

Сифатсиз маҳсулотлар, айниқса, спиртли ичимликлар инсон саломатлиги учун ниҳоятда катта хавф туғдиради. Бу барчамизга аён ҳақиқат. Аммо айрим кимсаларнинг мўмай даромад кўриш мақсадида сифатни кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган алкоголли маҳсулотлар савдоси билан шуғулланишаётгани ачинарли ҳолдир.

Туманимизда спиртли маҳсулотлар ноқонуний савдосининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бирида фуқаро М.Мирҳўжаевга қарашли савдо шохобчаси фаолияти текширувдан ўтказилди. Текширув якунида ушбу фуқародан умумий қиймати 159700 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, 80000 сўмлик спиртли ичимликлар олиб қўйилди ва ҳуқуқбузар шахсга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилди.

Тумандаги "Тропиканка" МЖЧга қарашли савдо тармоқларида ўтказилган текширувларда назорат-касса машиналари хотирасига 12282500 сўм миқдоридаги савдо тушуми пуллари киритилмагани, корхона дўконлари савдосига қўйилган умумий қиймати 16368100 сўмлик алкоголли маҳсулотлар кирим ҳужжатлари ва мувофиқлик сертификатларига эга эмаслиги маълум бўлди. Текширув якунида ушбу маҳсулотлар вақтинчалик олиб қўйилди ва корхонага нисбатан аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан тегишли молиявий жазо чоралари кўрилиши назоратга олинди.

Ш.ШОМАНСУРОВ,
Чилонзор тумани ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Тақдимот

Телекўрсатувлар сифати янада ошади

Тошкент — телевидение ватани. Телевидение яратилганидан буён ўтган вақт мобайнида радио, телевидение, умуман, алоқа тизимида мислсиз ўзгаришлар рўй берди, ютуқлар қўлга киритилди. Бир сўз билан айтганда, бу борада юқори тезликдаги масофа босиб ўтилди.

Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда кўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мустаҳкам, замонавий ишлаб чиқариш базасига эга бўлди. Энг илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, телерадиодастурлар тарқатиш тармоғининг қабул қилиш-узатиш тизимлари реконструкция қилинди, юқори сифатли теледастурлар ишлаб чиқариш имкониятини берувчи энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Айни пайтда телерадиодастур ишлаб чиқариш ва шакллантириш жараёнига замонавий рақамли жиҳозлар ва медиатехнологиялар жорий этилмоқда.

Кеча илк бор HD форматидаги ерусти узатиш телеканали — "Uz.HD" (Юқори сифатли телевидение) фойдаланишга топширилиши муносабати билан Алоқа тарихи музейида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Шу ўринда, дунёдаги мавжуд энг сифатли тасвирни ўзида мужассам этган HD формати собиқ МДҲ давлатларида биринчи марта Ўзбекистонда иш бошлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

HD формати, энг аввало, энг тиниқ ранглар уйғунлиги демакдир. Энди биз юртимиз табиати, меъморий ёдгорликлари, мовий гумбазларини худди олдидан томоша қилгандек аниқ-равшан кўрамиз. Юртимиз тенгсиз гўзалликкa бой. Ана шу гўзаллик энди дунёга рақамли телевидение орқали намойиш этилади. Дарвоқе, ҳозирча бу канал пойтахт ҳудудига узатилади. Маълум вақт ўтгач эса, бутун мамлакат аҳли учун телеканални кўриш имконияти яратилади. Яқинда барпо этилган медиамарказ тўлалигича мазкур канал учун хизмат қилади. У энг замонавий техника воситалари — HD форматда ишлайдиган камералар, монтаж аппаратуралари билан таъминланган. Ижодий ва техник салоҳиятлар уйғунлиги бевосита канал фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

"Uz.HD" телеканалини дастурлар билан бойитиш "пост-продакшн" тамойили асосида "O'zbektelefilm" ДУК томонидан яратилган маданият, тарих, санъатнинг турли йўналишлари, юртимизнинг бетакрор табиати ва бой маданий меросига бағишланган илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар, миллий телесериаллар, драматик ва мусиқали саҳна асарларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Узатиш тўри аудитория қизиқишлари ва ёши инобатга олинган ҳолда шакллантирилади.

Анжуман якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Абдулла МАМАСОДИҚОВ

Амалий суҳбат

Журналистика мунтазам янгиликларни излаб топишни, давр билан ҳамнафас бўлишни талаб этади. Бугунги ахборот асрида эса талабчан аудитория эҳтиёжини тўлиқ қондириш, газетхон истаганидек материал тайёрлаш осон эмас. Негаки, ҳозирги замон одамининг истаклари, хоҳишлари бўлакча. Бундан ташқари, асримизда оммавий ахборот воситалари тез суръатларда ривожланиши билан бирга, уларнинг сони кескин кўпайди. Шунингдек, сифат борасида ҳам яхшигина рақобат юзага келди. Бу, ўз навбатида, ўқувчига танлаш имкониятини яратди. Энди у истаган газетасини мутолаа қилиши, кўрсатув кўриши, эшиттиришни тинглаши мумкин. Шу боис, қалам аҳли фаолияти давомида "теша тегмаган" сўзларни топиш, бирор янги фикрни айтиш мақсадида тинимсиз изланади, устозлар тажрибасига суянади.

Ўз сўзини айтар тажриба

Халқимизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган устоз-шогирд анъанаси соҳага зарур бўлган етук кадрларни тарбиялаш орқали унинг янада тараққий этишига ёрдам бермоқда. "Hurriyat" газетаси ҳам ушбу ишларнинг узвий давоми сифатида, қолаверса, нашримизда ишлаётган ёш журналистларнинг билим ва тажрибасини ошириш мақсадида матбуот соҳасида суяги қотган кишиларни таҳририятга таклиф этиб, улар билан суҳбатлар ташкил этишни йўлга қўйди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдий биринчи суҳбатдошимиз бўлди.

— Газетани нашр этишдан, мақола ёзишдан мақсад нима? — дейди Маҳмуд Саъдий суҳбат бошида. — Ўйлайманки, бу саволга дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир журналистнинг ўз жавоби бор. Мен ҳам тажрибамга суяниб, бу масалада айрим фикрларни билдирмоқчиман. Маълумки, газетанинг аудиторияси чекланмаган. Уни турфа ёшдаги, ҳар хил миллат ва диндаги кишилар мутолаа этади. Уларнинг айримлари нашрларни билими ва саводхонлигини ошириш учун кузатиб борса, баъзилари газетани фақат ахборот олиш ниятида қўлига олади. Шунинг учун ижодкор ёзаётган материалларини ҳар томонлама ўйлаб тайёрлаши, ҳеч бир хатога йўл қўймасликка, бировнинг шаънини таҳқирламасликка, маданият мезонларини сақлашга интилиши зарур. Қалам тебратаётган ҳар қандай киши миллий манфаатни ҳам ёдидан чиқармаслиги шарт. Демак, мухбир миллати тарихи, халқининг маънавияти, давлатининг бугунги салоҳияти ва мамлакат келажаги ҳақида мукаммал билимга эга бўлмоғи лозим. Айниқса, дунё глобаллашаётган ҳозирги замонда бу ўта муҳим.

Асосан газетанинг элементлари, техникаси ва ўзига хос хусусиятлари хусусида давом этган гурунгимизда таҳририят ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишга эришдилар. Айниқса, домланинг мақолага сарлавҳа қўйиш, рукнлар топиш борасида билдирган фикрлари кўпчиликда чуқур таассурот қолдирди.

— Сарлавҳа, рукн мақоланинг мазмунига мазмун, савиясига савия қўшади, — деди суҳбатдошимиз. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Материалнинг ўқишли, эътибор тортадиган бўлишида ҳам уларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун кўпчилик ижодкорлар яхши сарлавҳа, яхши рукн топишга интилишади. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин? Аввало, бундай пайтларда мақоланинг мазмунидан келиб чиқиб, сарлавҳа танланади. Кейин кўплаб синовлардан ўтган халқ достонлари, мақолларига таянган маъқул. Бу газета тилини оммага яқинлаштиради. Бундан ташқари, журналистлар китоб ўқиши шарт. Бу барча қаламкашларнинг кундалик эҳтиёжига айланса, уларнинг сўз ҳазинаси бой, тили равон, энг асосийси, мустақил фикри бўлади.

Ижодий руҳда кечган суҳбат таҳририят ходимларига манзур бўлди. Келгусида бу каби учрашувлар соҳага оид малакага эга бўлган олимлар, тажрибали қалам эгалари билан тез-тез ташкил этиб турилади.

Азим РЎЗИЕВ

Очиғини айтганда, матбуот ўзининг бор даҳшати билан аллергиямни қўзитишга қарамасдан, тонгги газеталарни сотиб олиш учун ҳеч бўлмаганда, ҳар ўн йилда бир марта қабримдан турган бўлардим.

Луи БУСУЭЛ,
испан кинорежиссери

«Кучукча»нинг эгаси ким?

Сўнгги ўн йилда интернет тармоғининг жадал ривожланиши дунё тараққиётини тубдан ўзгартириб юборди. Бугунги кунда миллионлаб одамлар унинг беминнат хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, интернет аллақачон дунё ичидаги дунёга айланиб улгурди.

Унинг тарихига назар ташласак, XX асрнинг 60-йилларида АҚШда асос солинганини бу тармоқ йиллар ўтиб, WWW — World Wide Web (дунё тармоғи)нинг кашф этилиши билан соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилганини кўришимиз мумкин.

Илк электрон почта 1971 йили АҚШнинг "Болт, Беранек ва Ньюмен" компанияси муҳандиси Рей Томлинсон томонидан яратилган. Томлинсон ўз лойиҳасида хабар олувчининг адресини исмидан ажратиб кўрсатиш мақсадида электрон манзил белгиси — "@" (кучукча)ни қўйиш таклифини илгари сурди ва эндиликда Интернет тармоғида унинг беминнат хизмати ўзини оқлаб келмоқда.

Лайло ТЎРАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Ҳаётимизга мусибат йўламасин

ЛАВҲА

Салима опа барвақт уйғониб, ҳовлини супурди, нонушта ҳозирлади. Кейин ўғли Анвар уйғонмаганини билиб, унинг хонасига бош суқди.

— Анвар, ўғлим, тонг ёришиб кетди. Турақол, ишингга кеч қоласан, — деди оҳиста.

Сўнг столга ўтирганча, хаёл суриб қолди. Ўғли эндигина бир ёшга кирганида турмуш ўртоғи тўсатдан вафот этди. Анварни ёлғиз ўзи ақлли, эсли-хушли қилиб тарбиялади. Ўзиям баъмани йигит бўлиб ўсди. Университетни тугатиб, ишлай бошлади. "Аввал ўзимни ўнглаб, уй-жойимизни бадастир қилиб олай", деб уйланишга унамади. Мана энди ҳамма нарсага эришди. Яқинда машина ҳам олди. Ёқтирган қизи ҳақида онасига оғиз очганида, Салима опа хурсанд бўлиб, барча қариндошларини йиғиб, маслаҳатлашиб уларни унаштириб қўйди. Тўй яқин...

Анвар тезгина ювиниб, чойини ичди. Онаси билан хайрлашди ва ишга йўл олди. Йўлда телефони жиринглаб қолди. Бўлажак турмуш ўртоғи экан. Кейин гаплашамиз, ҳозир рулдаман деса ҳам, қиз йўқ, ҳозир гаплашайлик, деб оёқ тираб олди. Гап бир-бирига уланиб, суҳбатлари чўзилиб кетди. Бир пайт Анвар чалғиб, машина бошқарувини йўқотди. Қарамақарши ҳаракатдаги йўлга ўтиб, рулпарасида тезлик билан келаётган машинани кўрди. Сонияларнинг қайсидир қисмларида рулни буришга эришди. Машина йўл четидаги симёғочга бориб урилди... Анвар кўзини очганида ўзини шифохона тўшагида кўрди...

Мамлакатимизда автомобиль ҳайдаётганда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш тақиқланганига анча бўлди. Аммо, таассуфки, вазият ўз ўзанига тушди, деб бўлмайди. Ҳамон содир бўлаётган автоҳалокатларнинг бир қисми ана шу матоҳ туфайли келиб чиқаяпти. Ҳайдовчилар ЙПХ ходимлари кўрмаса бўлди, деб ўйлашади. Аммо кимнингдир ҳаёти, оиласининг тинчлиги, аввало, ўзига керак. Ўзгина эҳтиёткор бўлинса, ҳаётимизга мусибат йўламайди.

Хилола ЭРГАШЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Мулоҳаза учун мавзу

Қайси газетага обуна бўлдингиз?

Бугун ижтимоий ҳаётнинг кенг жабҳаларини акс эттиришда, мамлакатимизда, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни холис баҳолаб, жамоатчиликка тезкорлик билан етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Қолаверса, ахборот асрида инсонларнинг янгиликка, ахборотга эҳтиёжи тобора ошиб бораётгани бор гап.

Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари ҳам газета ва журналлар ҳаётимизда қандай аҳамиятга эга эканини ифодалаб беради: "Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур".

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига, айниқса, матбуот соҳасига юксак эътибор қаратилаётган бир пайтда обуна жараёнини ҳар бир таҳририятнинг "ўз муаммоси" деб, мазкур масалага панжа орасидан қараш нотўғри. Айни кунларда "Обуна — 2012" мавсуми давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу давр ҳар бир босма нашр жамоаси учун чин маънода масъулиятли давр. Зеро, газета ёки журналнинг эртанги истиқболи бевосита обуна жараёнига боғлиқ.

Ҳозиргина тандирдан узиб олинган нондек қайноқ хабарларга, кишини мулоҳазага, мушоҳадага ундовчи ўқишли мақолаларга бой газетани мутолаа қилиш ҳар кимга ҳузур бағишлайди. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, оддий жумлаларни мақолага айлантириб, ўқувчига тақдим этишда журналистдан қанчалик маҳорат талаб қилинса, оқ қоғозни чиройли кўринишдаги газетага келтириш учун ҳаракат қилаётган компьютер устасидан, уни ранг-баранг кўринишда босилишига масъул бўлган инсонлардан ҳам юксак дид, савия талаб этилади. Демак, бир дона газета ёки журнали мухлисга ҳавола этиш учун бир қанча инсонларнинг кўз нури, қўл меҳнати жо бўлади.

Аксарият ҳолларда матбуот дўконига келган газетхон газета ва журналларнинг нархидан шикоят қилади. Уларнинг фикрича, икки варақдан иборат қоғознинг нархи осмонда эмиш. Аммо буни қарангки, ойда битта газета сотиб олишга кўзи қиймаган инсон ҳар ҳафта сотувга чиқадиган сериалларни бир неча баробар қимматга харид қилишдан оғринмайди. Ваҳоланки, 3-4 минг сўмлик жангари фильмдан кўра, 500-600 сўм турадиган газета инсоннинг дунёқарашини, фикрлаш доирасини бойитишга кўпроқ хизмат қилади-ку!

Шу ўринда бугун ёшларимиз орасида газетага бўлган қизиқиш, эҳтиёж пасайиб бораётганини таассуф билан қайд этиш лозим. Аксарият ёшлар газета, китоб мутолаасидан кўра, компьютер ўйинларинию, эҳтиросли сериалларни томоша қилишни маъқул кўришади. Дўстларимдан охирги марта қачон ва қандай газета ўқиганликларини сўраб кўрдим. Афсуски, уларнинг аксарияти газета ўқиш у ёқда турсин, ҳатто қандай газеталар чоп этилаётганидан ҳам бехабар. Мунтазам кузатиб борадиганлари ҳам газеталарни телевидение дастурларини кўздан кечириш учунгина сотиб олишар экан.

Маълумотларга қараганда Норвегияда ҳар минг кишидан 588, АҚШда 215, Россияда эса 105 нафари вақтли матбуот нашрларини мунтазам ўқиб боради. Газетхонларимизнинг бу борадаги натижалари эса қувонарли эмас.

Бугун матбуот дўконларидан турли соҳага оид янгиликларни ёритувчи газета ва журналларни кўплаб топиш мумкин. Улар орасида ўз ўрнига, услубига эга нашрларнинг борлиги қувонарли. Хулоса қилиб айтганда, обуна жараёни ҳам маънавий ҳаётимиздаги катта синов. Омманинг онгини янада ўстиришда, дунёқарашини шакллантиришда газета-журналларнинг ўрни бўлакча. Матбуот нашрларига обуна уюштиришга мутасаддилик қилаётган идора ва ташкилот раҳбарлари, жамоатчилик ана шу жиҳатларга эътибор берсалар ёмон бўлмасди.

Баҳодир МЎМИНОВ,
журналист

Хориж матбуоти

Халқаро матбуот майдонида Япония оммавий ахборот воситаларининг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунга асосий сабаб, журналистларнинг воқеа-ҳодисаларга холислик билан ёндашиши, ахборот узатиш тезлиги ва ҳаққонийлиги, шунингдек, мақолаларнинг сифати ва улардаги самимий, равон, содда услубдир. Қолаверса, нашрнинг ўқувчилар қўлига вақтида етиб бориши ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Холис, ҳаққоний ва тезкор

Қуйида «кунчиқар мамлакат»нинг энг етакчи газеталари ҳақида қисқача маълумот билан танишасиз.

1. "Yomiuri Shimbun" — кунига 10 миллион нусха атрофида чоп этилади. У Японияда энг машҳур нашр ҳисобланиб, халқчил услубга эга. Газета таҳририяти дунё миқёсида ахборот алмашиб туриш мақсадида қатор хориж нашрлари билан ҳамкорлик қилади. Жумладан, Буюк Британиянинг "The Times" газетаси билан махсус шартнома имзолаган, "TV Asahi" билан ҳам дўстона муносабат ўрнатган.

2. "Asahi Shimbun" — адади бўйича мамлакатда иккинчи ўринни банд этган газета. Университетга кириш имтиҳонларида газета мақолаларидан фойдаланилади. "Nippon TV" билан ҳамкорлик қилади.

3. "Mainichi Shimbun" — ўқувчилари кўплиги жиҳатидан учинчи ўринда турувчи нашр. У ҳар куни деярли 4 миллион газетхон қўлига етиб боради. Либерал позициядаги бу газета TBS билан яқин алоқада.

4. "Nikkei Shimbun" — иқтисодий газета. "Wall Street Journal" журналига жуда ўхшаб кетади. Кунлик нусхаси нуқтаи назаридан мамлакатда тўртинчи ўринда туради. Кунига 3 миллион нусхада тарқалади. "TV Tokyo" билан ҳамкорлик қилади.

5. "Sankei Shimbun" — консерватив, Америка сиёсатини қўллаб-қувватловчи газета. Ҳар куни 2 миллион нусхада чоп этилиши билан Япония газеталари ўртасида олтинчи ўринни забт этган. Мазкур нашр ҳам бошқа миллий газеталар сингари машҳур ва ўз позициясига содиқлиги билан ажралиб туради. Хорижий ҳамкори — "Fuji TV".

Эътиборлиси, Японияда талай ҳудудий газеталар ҳам борки, улар ҳам каттагина тиражда чоп этилади. Масалан, Канто вилоятининг "Tokyo Shimbun", Тюба вилоятидаги "Chunichi Shimbun", Хоккайдо вилоят нашри "Hokkaido Shimbun" ҳамда Тохокудаги "Kahoku Shimpo" газеталари шулар жумласидандир. Шунингдек, кундалик бизнес ва технология янгиликлари ҳақида маълумот бериб борувчи "Nikkan Kogyo Shimbun" газетаси ҳам ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинади.

Мамлакатда фақат биргина газета Японияннинг инглизабон аҳолиси учун нашрга тайёрланади. Бу — "The Japan Times"дир. Динга қизиқувчи аҳоли учун эса "Soka Gakkai International" газетаси ўзининг илова нашри сифатида "Seikyo Shimbun" номли махсус кундалик бюллетенини нашр этади.

Улуғбек АСРОРОВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ҚАТЪИЙ ЧЕКЛОВЛАР ЗАРУР!

Германиялик социологлар аҳолининг эркин турмуш тарзига бўлган муносабатини ўрганиб чиқишди. Маълум бўлишича, аксарият аҳоли турмушнинг барча жабҳаларида муайян бир чегара ёки тақиқ ҳукм суришини қўллаб-қувватлар экан.

Тадқиқот натижаларига кўра, уларнинг 92 фоизи гиёҳвандликни, 84 фоизи одамларни клонлаштиришни маън этиш бўйича қатъий чоралар кўрилиши тарафдори. Учинчи ўринда шафқатсизлик ва зўравонлик акс этган фильмлар, компьютер ўйинлари қораланган. Шунингдек, кўпчилик порнографиянинг тарқатилишини давлат сиёсати даражасида тақиқлаш масаласини илгари сурган. Ҳар тўртинчи киши даҳрийликни, динни таҳқирлашни, ҳар бешинчи киши эса ўткир алкогол маҳсулотлари сотувига нисбатан қатъий чоралар кўрилишини истайди.

Сўров иштирокчилари ушбу чекловлар «инсоннинг ўз-ўзидан ҳимояланиши учун керак» деган тўхтамга келишган.

БЕЗОРИ «ҚОРБОБО»



Мэриленд штатининг Честертаун шаҳрида янги йил олдидан ўтказилган анъанавий байрамда тадбир иштирокчиларидан бири қамоққа олинди.

Маҳаллий «Cecil Whig» нашрининг ёзишича, байрамга қаттиқ қопламали Қорбобо кийимида келган Кевин Майкл Уолш исмли фуқаро ҳуқуқбузарликка йўл қўйган. Аниқроғи, 52 ёшли «Қорбобо» тўсатдан полиция тасарруфидаги Хензо исмли итни тепган. Воқеани кузатиб турган полициячи Уолшни байрам қаҳрамонлари орасидан олиб чиққан. «Қорбобо» эса бунга жавобан костюмининг тепа қисмини ечиб, у билан полициячининг юзига туширган. Ёрдамга етиб келган иккинчи полициячи ҳам ҳуқуқбузар муштидан «баҳраманд» бўлган.

Ҳозир безори «Қорбобо» полиция ходимлари ва итга ҳужум қилганликда айбланмоқда.

239 МИЛЛИОН ЕВРО ҲАВОГА СОВУРИЛДИ

Германия доришунослари «чўчқа гриппи»га қарши ишлаб чиқарилган вакциналарни йўқотишга киришди. Куни кеча Магдебург шаҳрида тиббий дори воситаларининг бир қисми ёқиб юборилди.

2009 йил ҳукумат «чўчқа гриппи»га қарши эмлаш учун ишлатиладиган 34 миллион қути вакцина сотиб олганди. Аммо шундан 28,7 миллион қутиси яроқлилик муддати тугагунча, яъни 2 йил мобайнида омборхоналарда сақлаб келинди.

Чунки ўша йили «чўчқа гриппи» ҳақидаги ваҳимали гапсўзлар ўз исботини топмади. Натижада ҳукумат ҳаммаси бўлиб 239 миллион еврони ҳавога совурган бўлиб чиқди.

Маълум бўлишича, мутасаддилар вакциналарни бошқа давлатларга сотишга уринишган, бироқ анқоврок харидор топишолмаган.

НОЁБ ТОПИЛМАЛАР

«Интерфакс» тарқатган маълумотларга қараганда, Россиянинг Тобол дарёси тубида ўтказилган тадқиқотлар натижасида кўплаб қадимги ҳайвонлар суяклари топилган.

Маълум бўлишича, ғоввослар сув тубидан бир неча юз килограмм мамонт, бизон, от ва бошқа ҳайвонларнинг суякларини олиб чиқишган. Топилмалар ҳали тўла ўрганилмаган бўлса-да, ғоввослар суякларни ўта қадимги ҳайвонларга тегишли эканини ишонч билан айтишмоқда. Бунга сабаб шуки, илгари ҳам Тоболда шунга ўхшаш ҳайвон суяклари учраган.

Ўта ноёб деб баҳоланаётган ушбу топилмалар айни пайтда сув ости дунёсини марказида сақланмоқда.

8 ЁШИДА ВАЗНИ 80 КИЛОГРАММ

АҚШнинг Кливленд шаҳрида ортиқча вазндан қийналаётган 8 ёшли болакай оиласидан ажратиб олинди. Ижтимоий марказ вакилларининг таъкидлашича, боланинг онаси ўғлига ортиқча вазндан қутулиш учун етарлича ёрдам кўрсата олмаган.

Текширувлар шуни кўрсатдики, ижтимоий марказга олиб келинган 3-синф боласининг оғирлиги ҳозирда 80 килограммга етган. Бу кетишда яқин кунларда бола танасида қандли диабет ва гипертоник касалликлар ривожланиши мумкин.

Маълум бўлишича, ижтимоий ишчи гуруҳи болани оиласидан ажратиб олиш тўғрисидаги суд ордерини қўлга киритгунга қадар бир йил мобайнида онанинг хатти-ҳаракатларини кузатиб борган ва боланинг озиши учун шифокор берган тавсияларга эътиборсизлик қилгани аниқланган.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

“Таъм кучайтиргич” мўъжизавий қўшимчами?

Тўкин-сочинлик шароитида яшаяпмиз. Бозору дўконлар нознӗъматга тўла. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг тури кўп. Кафе, ресторан, чойхоналарнинг сони ҳам, тармоғи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Уларда тури миллий таомлар тайёрланаётгани кишини хурсанд қилади. Лекин дўконлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари, емакхоналардаги таомларнинг барчаси сифатлими? Уларга қандай ингридиентлар, қўшимчалар қўшилмоқда? Таркибидаги консервант, ярим тайёр маҳсулотлар соғлигимиз учун зарарли эмасми?

Глутамат натрий (Е 621) сувда яхши эрийдиган оқ кристалл порошок. Хитойда “таъм берувчи қўшимча”, Японияда “мўъжизавий порошок” (“фе-цзин”) номи билан машҳур. У табиий маҳсулотлардан кимёвий реакциялар воситасида олинади. Таъми ҳам, ҳиди ҳам йўқ. Аммо ҳар қандай таомга ажойиб таъм бағишлайди, маҳсулотларни тежаш имконини беради. Бу кимёвий моддани озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар тонналаб сотиб оладилар. У барча яримфабрикатларда, чипслар, соуслар, қуритилган зираворлар, бульонли кубиклар, фаст-фуд ва тез тайёрланувчи бизнес-ланчларнинг асосий элементи ҳисобланади. Глутаматнинг белгиланган меъёрдан кўпроқ қўшилиши сифатсиз маҳсулот ҳақида янглиш тасаввур пайдо қилади. Шу боис, ҳозир айрим ресторан, кафелар учун “таъм кучайтиргич” туриб қолган ёки музлатилган маҳсулотларнинг сифатини ниқоблаш воситаси ҳисобланади.

Энг кўп тарқалган «таъм кучайтиргич» — глутамат натрий Е 621 глутамин аминокислотасининг натрий тузидаги экстрактидир. Мутахассислар фикрича, бу аминокислота ва унинг тузлари марказий асаб тизимига импульслар узатиш жараёнида иштирок этади. У асаб тизимини қўзғатиш, психик ўзгаришлар содир этиш хусусиятига эга. Шу боис, тадқиқотчилар ресторан ва кафеларда глутамат кўп қўшилган таомлар кишиларнинг ушбу тузга руҳан қарам бўлиб қолишларини таъкидлашади. Глутамат натрийни кўп истеъмол қиладиган шахсга табиий таомлар мазасиз туюлади. Чунки таъм рецепторларининг сезувчанлиги бузилади. Маҳсулот тайёрловчилар харидорларини йўқотмаслик учун кўпинча глутамат натрийни ўз номи билан юритишмайди. Маҳсулотлар ёрлиқларида у ҳақида “таъм кучайтиргич”, “таъм яхшилагич”, “таъмли қўшимча” деб ёзиб қўйилади, холос.

Кўп йиллардан бери глутамат натрий, унинг зарарли ва зарарсизлиги хусусида қизғин баҳс кетаяпти. Америкалик нейрофизиолог Жон Олнэ ўтган асрнинг 70-йилларида глутамат натрийни айрим жониворларда синаб кўрган, ушбу модданинг каламушларнинг миясини зарарлашини аниқлаган эди. Кейинги тадқиқотлар ушбу «таъм кучайтиргич» овқат ҳазм қилиш тизимидаги гастрит, ошқозон яраси каби касалликларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлишини кўрсатди. Яқинда япон олими Хироши Огуро глутамат кўз тўр пардасига ёмон таъсир кўрсатишини исботлаб берди. Қолаверса, Е 621 қўшилган овқатларни мунтазам истеъмол қилувчи кишиларда бош оғриғи, юракнинг нотекис уриши, мускулларнинг бўшашиши, ошқозон оғриши ҳолатлари кузатилади. Бу эса глутамат натрий организмда гормонал ўзгаришлар содир этишининг далолатидир.

Таъм берувчи қўшимчаларнинг умумий тури 18 тани ташкил этади. Баъзан «таъм яхшилагич» номи остида Е 622 — глутамат калий яширин бўлади. Ушбу қўшимчанинг зарари кўплиги сабабли кўпгина давлатларда ишлатиш тақиқланган. Гидролизланган оқсил, глутамат мононатрий, глутамат натрий — энг зарарли сунъий қўшимчалардир. Глутамин кислота барча оқсилга бой табиий маҳсулотларда мавжуд. Лекин у камбу (денгиз ўти) таркибида кўпроқ. Шундан бўлса керак, денгиз ўти ўтган асрнинг 50-йилларида оммалаша бошлаган.

1900 йилда японияли Кикунае Икеда овқат таъмини ошириш борасида тажриба ўтказаётиб, қуритилган денгиз ўтлари қўшилган таомларнинг мазали бўлишини аниқлади. У денгиз ўтлари таркибидаги оқсил, аминокислоталарни таҳлил қилиб, таъмнинг манбаи глутамин кислота эканига амин бўлди. 1909 йили у ўзининг **“адзино-мотто” — “таъм қалби”** деб номланган ушбу кашфиётига патент олди. 50-йилларда глутамат натрийни саноат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлаб у сифати паст бўлган маҳсулотларга, ўзининг дастлабки таъмини йўқотган, узоқ вақт давомида қайта-қайта музлатилган қийма, гўштларга қўшилган. Кейинчалик балиқли, товуқли ва гўштли маҳсулотлар, консервалар, колбасалар, шўрвалар таркибига қўшадиган бўлишди.

Глутамат натрий дунёда кенг тарқалган сунъий қўшимча ҳисобланади. Ҳар йили жаҳон миқёсида 200 минг тонна глутамат ишлаб чиқарилади. Яримфабрикатларни ишлаб чиқарувчилар ушбу қўшимча орқали гўшт, пиёз, саримсоқ пиёз каби табиий маҳсулотларни сотиб олишга кетадиган маблағни тежаб қолишади. Глутаматнинг колбаса ва гўштли маҳсулотлардаги улуши эса 0,05-0,15 фоизгача бўлади, холос.

Табиий глутамин кислота — мияни озиқлантирувчи элемент, ақлий салоҳиятни кўтарувчи, импотенция, депрессия, чарчоқни даволовчи воситадир. Сунъий MSG эса асаб ҳужайраларини емирувчи заҳар ҳисобланади. Буни семиришга қарши воситалар борасидаги тажрибалари билан машҳур германиялик профессор Михаэл Херманнусзен узоқ йиллик тажрибалари орқали исботлаб берди. У сичқон ва каламушларда ўтказган ана шундай синовлар пайтида глутаматнинг озгина миқдори ҳам миядаги таъм сезувчи ҳужайраларни, миялар оралиғидаги ҳужайраларни емиришини кузатди. Глутамат натрий организмдаги инсулин миқдорини уч бараварга ошириб юборади ва семиришга мойиллик туғдиради. Бош оғрийди, жиғилдон қайнайди. Қонда аллергия белгиси — иммуноглобулиннинг кўпайиб кетиши кузатилади.

Ёрлиғида глутамат натрий, Е 621 деб ёзилган маҳсулотлар кўпчилик томонидан харид қилинмаслигини ишлаб чиқарувчилар яхши билишади. Тадқиқотлар натижасида ушбу маҳсулотларнинг ярим тайёр маҳсулотларга қўшилишининг яна бир сабаби аниқланди. Маълум бўлишича, ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларнинг глутамат натрийга қарам бўлиб қолишидан манфаатдор экан. Бу ҳолат харидорларнинг уларнинг маҳсулотларига боғланиб қолишига ёрдам беради. Натижада доимий харидорлар армияси вужудга келтирилади.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,
журналист

ASAKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» банк (ОАЖ)

сизларни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни — умумхалқ байрами билан қутлайди ва миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади

«ҚОМУС»

Сақланиш муддати — 10 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан сўнг (10 ой) берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11



«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

ОАТ “ТУРОНБАНК” ЖАМОАСИ

TURON BANK

жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини 8 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 19 йиллиги муносабати билан табриклайди.

ОАТ “Туронбанк” Сизларга 2 ой муддатга бепул **“SMS Banking”** хизматига уланиш ва фойдаланишни таклиф қилади. Акция 2011 йил 1 декабрдан амал қилади.

Қўшимча маълумотлар ва **“SMS Banking”** хизматини ёқтириш учун ўз операторингизга мурожаат қилинг. Тел: +(998 97) 700-55-55

“Туронбанк” — Сизнинг ҳамкорингиз!

1 декабрь – Бутунжаҳон орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллигига қарши кураш куни

Соғлом турмуш тарзи — саломатлик гарови

1981 йилда биринчи марта рўйхатга олинган орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллиги бугун бутун дунё муаммосига айланди. Ҳозир бу касаллик кириб бормаган ҳудуднинг ўзи қолмади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича ОИВ инфекцияси билан яшаётганлар 33,3 миллион нафарни ташкил этади. Ҳар йили жаҳонда 2,6 миллион одам бу инфекцияни юқтириб, 1,8 миллион киши унинг асоратларидан вафот этмоқда. Энг ёмони, улардан 430 мингги 15 ёшгача бўлган болалардир.

— Минг афсуски, айрим йигит-қизларнинг Ғарб маданиятига кўр-кўрона тақлид қилиб татуажларга рўжу қўйишлари ва унинг кундан-кунга урфга айланиб бораётгани хавотиримиз янада ошишига сабаб бўляпти, — дейди Республика ОИТСга қарши кураш марказининг врач-эпидемиологи Шуҳрат Умарҳўжаев. — Чунки татуировка ОИВ инфекциясининг юқиш йўлларидан биридир. Тан олиш жоиз, бу инфекция Марказий Осиё ҳудудида жойлашган давлатлар, жумладан, республикамизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Юртимизда биринчи марта 1987 йилда қайд этилган бу касаллик охирги йилларда кўпроқ 20-25 ёшдагилар ўртасида кузатилмоқда.

— Ҳар қандай касалликка, жумладан, ОИВ-ОИТСга чалинмасликнинг бирдан-бир йўли — унинг юқиши ва тарқалиши йўллари ҳақида маълумотга эга бўлишдан иборат, шундай эмасми?

— ОИВ инфекцияси фақат одамларда учрайдиган сурункали юқумли касаллик бўлиб, унинг қўзғатувчиси иммунитет танқислиги вирусидир. У иккиламчи касалликлар туфайли беморлар ўлимига сабаб бўладиган иммунитет тизимининг зарарланиши — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) ривожланиши билан таърифланади.

Вирус бемор одам организмидаги биологик суюқликлар — қон, сперма, қин ажратмаси ва кўкрак сутида учрайди. У сўлак, кўз ёши, тер, сийдик ва нажасда ҳам аниқланган, лекин уларда вирусни концентрация (юкламаси) жуда кам миқдорда бўлгани сабабли бошқа одамга юқиб, касаллик чақириш қобилиятига эга эмас. Касаллик уч хил йўл билан юқади: Биринчи, ҳимояланмаган жинсий алоқа орқали — тиббий йўл билан. Иккинчи, парентерал, яъни сунъий йўл, тери ва шиллиқ қават бутунлигининг бузилиши билан кечадиган муолажаларда — ностерил тиббий асбоблардан фойдаланилганда, айниқса, умумий битта игна, шприц билан гиёҳванд моддалар қон томирига юборилганда, соқол олиш ускуналари ва тиш ювиш воситалари умумий ишлатилганда, терига расм солинганда (татуаж), текширилмаган қон ва қон маҳсулотлари қуйилганда, аъзо ва тўқималар кўчириб ўтказилганда. Учинчиси эса, вертикал, табиий йўл, яъни ОИВни юқтириб олган ҳомиладор аёлдан ҳомилага ёки чақалоққа юқиши. Вирус болага она қорнидалигида, туғиш жараёнида ва туғилгандан сўнг (она сути орқали) юқиши мумкин.

Касалликнинг клиник кечиши бир неча даврларга бўлинади. Дастлабки яширин давр ОИВ инфекциясини юқтириб олгандан кейин ҳеч қандай белгиларсиз бир неча ойдан 5-10 йилгача давом этиши мумкин. Бу давр эпидемиология жиҳатдан энг хавфли давр ҳисобланади. Чунки бу пайтда вирус қонда сезиларли даражада бўлмагани учун ОИВ билан зарарланган одам маълум вақтгача вируснинг таъсирини сезмайди ва касалликни ўзи билмаган ҳолда бошқаларга юқтириши мумкин. Ўз меъёрида ишлаб турган иммунитет тизими йиллар давомида вируснинг тажовузини босиб туради, лекин вирус тўсиқсиз кўпайиб, аста-секин мазкур ҳимоя тизимини мутлақо издан чиқаради. Оқибатда организм турли юқумли касалликларга жуда мойил бўлиб қолади. Камқувватлик, иштаҳанинг пасайиши, кечалари терлаш, тана ҳароратининг кўтарилиши, лимфа тугунлари (жағ ости, қўлтиқ ости, чов), жигар, талоқнинг катталашуви кузатилади. Агар тегишли даво чоралари кўрилмаса, ОИТС ривожланади. Авж олиш даврида бемор гепатит, сил, нафас йўллари ва ошқозон-ичак тизими касалликларига берилувчан бўлиб қолади.

— ОИТСдан бутунлай халос бўлиш мумкинми? Умуман, республикамизда ушбу иллат тарқалишининг олдини олиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? ОИТСга чалинган беморларни ҳимоялаш қонунларимизда қандай ўз аксини топган?

— Кези келганда айтиш жоизки, ОИВ инфекциясини тўлиқ даволовчи дори-дармон бугунгача топилгани йўқ. Ҳозир қўлланилаётган вирусга қарши дорилар — антиретровирус (АРВ) препаратлари беморнинг умрини узайтиради, қонда вирус юкламасини камайтириб, бошқаларга касалликни юқтириш хавфини сусайтиради. ОИВни юқтириб олган онадан соғлом фарзанд дунёга келиш имкониятини беради. Бироқ вирус генетик тизимини жуда тез ўзгартириш хусусиятига эгалиги сабабли бутун дунё олимларининг тинимсиз изланишларига қарамай, ҳалигача юқишнинг олдини олувчи вакцина ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизда ОИТС касаллигига қарши курашиш бўйича барча қонуний асослар яратилган. Жумладан, 1999 йил 19 августда қабул қилинган "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Қонунда айтилганидек, ўн олти ёшга тўлмаган шахслар ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорида давлат нафақасини олиши ва ногирон болалар учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. ОИВ касаллигини юқтирган ва ОИТСга дучор бўлган беморлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, уларни ишга, ўқув юртларига, тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларга қабул қилишдан бош тортиш ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш тақиқланади. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 3-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар исм-шарифини сир сақлаган ҳолда, ихтиёрий равишда ОИВ касаллиги юққан-юқмаганлигини аниқлаш мақсадида аноним текширувдан ўтишлари мумкин.

2008 йил 26 декабрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг қабул қилиниши мамлакатимизда ОИВ профилактикаси ва унга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳатто халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
суҳбатлашди.

ДИҚҚАТ, «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»!

Ҳурматли юртдошлар! Маълумки, куз-қиш мавсумида бошқа даврларга нисбатан аҳолининг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча ортади. Бу эса, ўз навбатида, ёнғин келиб чиқиш хавфини оширади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь кунидаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 25 ноябридан 25 декабрига қадар мамлакат миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Азиз ватандошлар, Сизлардан "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да фаол иштирок этишингизни, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилишингизни сўраймиз. Ана шунда Сиз нафақат мазкур тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси

КАСАЛНИ ДАВОЛАГАНДАН КЎРА...

Бизнинг ҳаётимизга ёнғинлар эндигина кириб келгани йўқ. Тарихга назар ташласак, айнан тилсиз ёв аталмиш ёнғинлар катта талафотлар олиб келганига, у сабабли не-не йирик шаҳарлар ер юзидан йўқ бўлиб кетганига амин бўламиз. Демак, ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш, бунга сабаб бўлувчи, бир кўринишда арзимасдек туюладиган жиҳатларни ҳам назардан четда қолдирмаслик мақсадга мувофиқдир.

Минг афсуски, ёнғинлар бугунги давримизда ҳам содир бўлиб турибди. Ва бунга қатор сабаблар бор. Кузги-қиш мавсумида ёнғинлар хазонларнинг ёқиб юборилиши, газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқса, баҳор ва ёзда қуриган ўтлар, чиқиндилар кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Қолаверса, диёримиз иссиқ ўлкалардан бири ҳисоблангани боис баҳор ёмғирларида ўсган кўмкўк майсалар бироз вақт ўтиб қуригач, тез ёнувчан бўлади. Бунинг учун биргина ташланган сигарета қолдиғи кифоя.

Шу кунларда мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказиляпти. Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида турли профилактик тадбирлар, ўқув муассасаларида, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда учрашувлар ташкил қилинмоқда. Бу тадбирларда аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидалари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Умид қиламизки, бундай саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайди.

Халқимизнинг доно нақли бор: "Касални даволагандан кўра унинг олдинии олган маъқул". Бу хусусда чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрилса, унинг замирида катта ҳаёт ҳақиқати борлиги ойдинлашади. Яъни, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш билан биз унинг олдини олган бўламиз.

Э.ҚОСИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ муҳандиси, кичик сержант

Молия муассасаларида

Ишонч ва самара уйғунлиги

AGROBANK

Президентимиз ташаббуси билан номланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ҳамда корхона ва ташкилотларни модернизация ва реконструкция қилишга асосий эътибор қаратиб келинмоқда. Республикамиздаги энг йирик ва нуфузли молия муассасаларидан бири ҳисобланган "Агробанк" ОАТБнинг салоҳияти тобора юксалиб, айниқса, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бораётганини унинг Фарғона вилоят бошқармаси фаолиятидаги ибратли кўрсаткичлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Банкнинг молиявий барқарорлиги тобора мустаҳкамланиб, унинг капиталлашуви даражаси ўсиб бормоқда, бу ўз навбатида банкнинг кредитлаш имкониятини оширмоқда. ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан жорий йилнинг шу муддати ичида 4,7 миллиард сўмга оширишга эришилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Банк активлари 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,9 миллиард сўмга, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 32,7 миллиард сўмга кўпайгани бунинг яққол исботидир.

Фарғона вилоятидаги шаҳар ҳамда туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган ҳукуматнинг қатор дастурларига асосан банк филиаллари томонидан жами 6,1 миллиард сўм кредитлар ажратилди. 593 мижозга 6,3 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар берилди. Буларнинг самараси вилоятда 2000 га яқин янги иш ўринлари яратилганида яққол намоён бўлади.

Айни пайтда молиявий муассаса томонидан 24 минг 500 га яқин мижозга хизмат кўрсатилаётган бўлса, уларнинг қарийб 93 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Турган гапки, кундан-кунга мижозлар сафининг ошиб бораётгани бу ердаги хизмат маданиятининг талаб даражасида эканига бевосита боғлиқ.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навони бир маромда ушлаб туриш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига кўра озиқ-овқат ҳамда ноозиқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, сервис соҳасини кенгайтириш, касаначиликни ташкил этиш орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, кам таъминланган, шунингдек, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган ишлар самараси бениҳоя қувонарли. Мисол тариқасида бошқармаси Олтиариқ туман филиали фаолиятини олайлик. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ушбу филиал томоинида ҳалқ хўжалигининг кўплаб тармоқларига 1 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Фермерлар ўзларининг техника базасини кенгайтириш мақсадида, шу билан бирга тадбиркорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мослашган мини цехлар ўрнатишда, савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда бевосита банкнинг молиявий кўмагидан фойдаландилар. Тумандаги хусусий тадбиркор Робияхон Умрзоқова кичик корхона очиш учун 30 миллион сўм кредит маблағи олиб, тикувчилик цехини ишга туширди ва бу ерда 12 та янги иш ўрни яратди, фермер Зафаржон Пармонов бошчилигидаги пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги банкнинг 123 миллион сўмлик кредит маблағига "Доминатор-130" ўрим комбайнини харид қилди. Замирахон Хорунбоева раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги жамоаси эса қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш учун 150 миллион сўмдан зиёд кредит маблағи олди. Бундан ташқари, бевосита ушбу банк томонидан амалга оширилган юқоридаги каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги қарорида кўрсатиб ўтилган вазифалар ижроси бўйича жорий йил давомида 570 та янги терминал олиб келинди. Шундан 40 таси мобиль терминаллар бўлиб, улар орқали пластик карталарга банкдан узоқ масофада жойлашган аҳоли яшаш жойларида ҳам пул жойлаштириш амалиётлари олиб борилмоқда. Бозорлар ҳудудидаги 148 та хўжалик юритувчи субъектлар тўлов терминаллари билан тўлиқ таъминланди. Шу кунгача жами бўлиб, 2494 мижозга терминаллар ўрнатиб берилган. Мазкур терминаллар асосан "Матлуботсавдо" МЧЖнинг қишлоқ жойларидаги савдо масканлари ва хусусий тадбиркорларнинг дўконларига ўрнатилган бўлиб фойдаланишда жуда қўл келмоқда.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида туманлардаги банк филиалларида пластик карточкаларга пул тушириш учун ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи инфокиоск қурилмалари ўрнатилган ҳамда банкка кириш жойларида терминал орқали мижозларга мунтазам равишда хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бошқарма филиалларида ҳозир 11 та инфокиоск ва 3 та банкомат ишлаб турибди. Банкдан ташқаридаги 286 та пунктда, яъни марказий шифохоналарда, молия бўлимларида ҳамда махсус шохобчаларда пластик карталарни DUET дастуридаги DUET Online модули савдо дўконларида савдо терминали орқали банк модемига уланиб, пул маблағларини юклаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бу борада олиб борилаётган ишлар янада ривожланиб бормоқда, яъни ташкилот ва муассасаларга DUET Online клиент дастури ўрнатилмоқда.

Президентимизнинг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан умумий қиймати 11,6 миллиард сўм бўлган тўртта иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинди. Айни пайтда мазкур иқтисодий ночор корхоналар белгиланган режа асосида соғломлаштирилмоқда. Масалан, "Боғдод парранда" ҳиссадорлик жамияти 2009 йилнинг 12 декабрида мажмуа сифатида банк балансига ликвидация қийматида 1,4 миллиард сўмга қабул қилинди ва 163 миллион сўмлик иш ҳақи ва бошқа биринчи даражали тўловлар тўлаб берилди.

Корхона негизида устав жамғармаси 5,5 миллиард сўм бўлган "White Chilens" МЧЖ ташкил этилди. Хитойнинг "Hebel landbridge trading CO., LTD" билан тузилган импорт шартномаси асосида 1515068 АҚШ доллари миқдорида ускуналар сотиб олинди ва "White Chilens" МЧЖга олиб келиб ўрнатилди. Товуқхоналарга 28100 дона жўжа боқувга қўйилди ва 1437,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги "2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича республика комиссиясининг 2009 йил 15 ноябрдаги йиғилиши баённига асосан Қўқон шаҳрида жойлашган "Кўнчи" очиқ акциядорлик жамияти банк балансига олинди.

Бугунги кунда корхона негизида устав жамғармаси 5 миллиард сўмдан иборат янги "Премиум Лизер" МЧЖ ўз фаолиятини бошлади. Бизнес режага асосан ишлаб чиқариш ҳудудида йилига 12 миллион дециметр квадрат терини қайта ишлаш ҳамда биринчи йили 40 фоиз, иккинчи йили 75 фоиз, учинчи йилдан бошлаб 90 фоиз қувватларни ўзлаштириш режалаштирилган. Ишлаб чиқариш цехининг қолган қисми "Ўзчармпойабзал" уюшмаси тақсимотига асосан саккизта технопарк иштирокчиларига кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага берилиши кўзда тутилган.

Фарғона вилоятида жойлашган "Марғилон Текстиль" қўшма корхонаси эса тугатиш қиймати 6,5 миллиард сўм миқдорида 2010 йил мартида мулкий мажмуа сифатида банк балансига қабул қилинган эди. Мазкур корхона негизида устав капитали 7 миллиард сўмдан иборат янги "Тексижен" масъулияти чекланган жамият ташкил қилинди. Корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 3600 тонна калава ипи ишлаб чиқаришдан иборат. Ҳозиргача 2 миллиард 411 миллион 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 2 миллион 54 минг АҚШ долларилик маҳсулот четга экспорт қилинди. Бугунги кунга келиб, жамиятда 100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

Хуллас, "Агробанк" ОАТБ Фарғона вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари ислоҳотларни изчил ва муваффақиятли амалга ошириб боришга, элу юрт фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишда бугунги талаблар даражасида фаолият юритяпти. Ишончимиз комилки, бу сурьат ва сифат бундан сўнг ҳам пасаймайди.

С.ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири ®

Сўз санъатидан сабоқлар

МЕҲР ВА РАҲМ

Ҳар бир мўмин инсон ўзининг хайрли ишларини гоҳида ошкора, гоҳида дилда "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм, яъни "Меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ номи билан" деб бошлайди. Бу гап ҳар биримизнинг тилимиздаги энг бирламчи қутлуғ каломдир.

Нега шундай? Чунки қудрати чексиз, юзлаб сифатларга эга Аллоҳ Таолонинг энг бирламчи сифатлари, дарҳақиқат, меҳрибонлик ва раҳмдилликдир. Шунинг учун меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳдан ўзимизга биринчи галда меҳр-шафоат, меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, меҳр-саховат ва раҳм-шафқат сўраймиз.

Асли арабча "меҳр" сўзи, дейлик, рус тилига иккита сўз билан "нежное чувство", яъни "нафис туйғу" тарзида таржима қилинади. Нақадар бой бўлишига қарамай, рус тилида бу сўзнинг бутун маъно товланишларини ўзида ифодалайдиган биргина сўз йўқ! Араб ва форс тилларининг жамики жозибасию тароватини пухта ўзлаштирган она тилимизда эса, асли отлашган сифат ва сифат бўлган меҳр ва меҳрибонлик, раҳм ва раҳмдиллик юқорида келтирилган бир қатор жуфт сўзларимизда янада аниқроқ сифатланади: меҳр-шафоат, меҳр-муҳаббат, меҳр-мурувват, меҳр-оқибат, меҳр-саховат, раҳм-шафқат... Чунончи, меҳр-шафоат — Яратганга, меҳр-муҳаббат — ҳам Яратганга, ҳам У зот яратган жамики бандаларга, меҳр-мурувват — катларнинг кичикка, меҳр-оқибат эса, аксинча, кичикнинг каттага муносабатига хос сифатлар бўлса, меҳр-саховат — ризқ-рўз улашувчи Парвардигор билан бу ризқ-рўзни бунёд этувчи соҳибкорнинг, раҳм-шафқат — Паноҳнинг хос сифатлари ҳисобланади.

Бинобарин, сўз санъатида тараннум этилувчи энг бирламчи туйғу — меҳр билан раҳмдир. Зотан, бу оламдаги жамики эзгуликнинг ибтидоси меҳр билан раҳм бўлганидек, жамики ёвузликнинг ибтидоси бемеҳрлик билан бераҳмликдир.

Нима учун алла шеъриятнинг ҳам, қўшиқ санъатининг ҳам ўзига хос сарчашмаси ва ҳар иккисининг энг юксак чўққиси ҳисобланади? Чунки унда бошқа жамики шеърлар ва қўшиқларга нисбатан онанинг болага меҳри ўзининг энг гўзал, энг мукаммал, энг бевосита ифодасини топгандир! Нима учун, дейлик, Миртемир домланинг "Онагинам" шеъри XX аср ўзбек шеъриятининг энг юксак намуналаридан бири ҳисобланади? Чунки халқ яратган алла билан бир қаторда тура оладиган бу шеърда, аксинча, боланинг онага меҳри ўзининг энг гўзал, энг мукаммал, энг бевосита ифодасини топгандир.

Агар онанинг болага меҳри аллада ёрқин ифодаланган бўлса, отанинг болага бўлган меҳри ўзининг энг ёрқин ифодасини топган асарлар бизнинг адабиётимизда буюк Ғафур Ғуломнинг "Сен етим эмассан" ва "Соғиниш" шеърлари ҳисобланади. Бемеҳрлик ва бераҳмлик мисли кўрилмаган даражага чиққан Иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган бу шеърларнинг ҳар бир сатрида меҳр ва раҳм туйғулари баайни қуёшдек балқиб-нур сочиб турибди, дейиш мумкин. Бу шеърларнинг ўз даврида мисли кўрилмаган даражада довруқ қозонишига бош сабаб ҳам айнан мана шу эди. У машъум уруш туфайли дийдалари қотиб кетган одамларнинг баайни тошга айланган юракларини мумдек эритиб юборишга қодир бўлган тафтга, ажиб бир ёлқинга эга эди. Бу шеърларнинг ҳар бир сатри меҳр, раҳм, интизорлик, соғинч ва бошқа энг нурли туйғуларга лиммо-лим эди. Улар бугунги кунда ҳам не бир кўнгли қаттиқ дилозорларнинг тош кўнгилларини юмшата оладиган таъсир қудратига эга. "Соғиниш" шеърининг дастлабки тўрт сатрини ёдга олиб, унда ёрқин ифодаланган руҳий ҳолатни теранроқ ҳис қилинг:

Зўр карвон йўлида
етим бўтадек,
Интизор кўзларда
ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан
Ютитергача,
Ўзинг мураббийсан,
жавоб бер, қуёш!

Карвон йўлига мўлтираб, интизорлик билан кўз тикиб турган етим бўталоқнинг мунгли кўзларини, бу бўта кўзлардан оқаётган шошқатор ёшни кўрганмисиз? "Қатрада қуёш акси" деганлари, аслида, мана шу! Боланинг онага меҳри ва соғинчи бундан-да ёрқинроқ акс этиши амримаҳол! Бўтадек бўзлаб турган одам боласи, онгли мавжудот бўлганидан кейин, бўталоқдан фарқли равишда, кўздаги ҳалқа-ҳалқа ёш билан кўкка боқиши табиий ва энди қатрада қуёш аксини эмас, қуёшнинг ўзини кўради! Мураббийлар мураббийси, меҳрибонлар меҳрибони, меҳр нури билан бутун борлиқни яйратиб-яшнатиб турган Момо Офтобдан нажот кутиб, жавоб сўрайди. Кўриниб турибдики, дастлабки сатрлардаёқ кичик бир бўталоқ меҳридан бошланган меҳр ва соғинч туйғулари тараннуми меҳрнинг энг юксак тимсоли бўлмиш қуёшга — Момо Офтобга туташиб, шеър наинки умумбашарий, балки жаҳоний, самовий моҳият касб этади. Лирик қаҳрамоннинг айни шу бир руҳий ҳолатини Алпомиш, яъни Ҳакимбекнинг ўз онаси, волидаи мукаррамаси-ю мураббийси Кунтуғмишга муносабатига ҳам нисбат бериш мумкин...

"Соғиниш" шеърининг кейинги бандларида, айниқса, "Сен етим эмассан" шеърида қуёш юксаклигида ифодаланган, баайни қуёшдек балқиб турган оталик ва мураббийлик меҳри ўқувчини лоқайд қолдирмайди. Унинг ҳам кўнглида меҳр, мурувват, шафқат, саховат ҳисларини уйғотади.

Ўзбек романчилигининг икки мустаҳкам таянчи-ю тамал тоши "Ўткан кунлар" билан "Кеча ва кундуз" асарларига хос энг бирламчи қудрат аввало шундаки, уларнинг биринчисида меҳр туйғуси, иккинчисида раҳм туйғуси адабиётимизда мисли кўрилмаган даражада ёрқин ифодаланган. "Ўткан кунлар" романида муаллиф Ўзбек ойим, Юсуфбек ҳожи, Офтоб ойим, Мирзакарим қутидор, қўйингчи, жамики қаҳрамонлар, ҳаттоки хизматкор Ҳасаналини, табиийки, айниқса, бош қаҳрамонлар Отабек билан Кумушни, уларнинг ҳар бир қадамлари-ю қалбининг нозик тебранишларини ўта нозик дид, маҳорат ва меҳр билан тасвирлайдики, ёзувчининг ўз қаҳрамонларига меҳр-муҳаббати бу қадар ёрқин ифодаланган асар адабиётимизда ҳалигача намоён бўлмаяпти, дейиш мумкин. Қуйидаги бош қаҳрамон Отабекнинг онаси — "Ўзбек ойим", яна бир бош қаҳрамон Кумушнинг онаси — "Офтоб ойим" деб аталишига эътибор берайлик. Ўзбек халқи ҳам, Момо Офтоб ҳам меҳрнинг ўзига хос тимсоллари-да, ахир! Агар тилимиздаги "ойим" сўзининг ўзаги "ой"лигини назарда тутсангиз, айниқса, Офтоб ойимнинг кўнглидаги ўз қизи Кумушбибига бўлган оналик меҳри бошқа жамики оналар, жамики инсонлар меҳридан камида икки ҳисса кучлироқ! Зеро, унинг қалбида ҳам тўлин ой, ҳам офтоб меҳри мужассам! Айниқса, Офтоб ойимнинг беқиёс меҳри билан ўсиб-улғайган Кумушбиби тасвирида ёзувчининг ўз қаҳрамонига ўзгача меҳри-муҳаббати ҳаётбахш насимдек уфуриб туради. Бу севимли қаҳрамон ўлимини тасвирлар экан, муаллиф чеккан изтироблару тўккан кўз ёшлар то қиёматга қадар инжа кўнгилларни жамики гардғуборлардан тозалаб-поклаб, покиза кўнгиллар қаърида меҳр ва раҳм чечакларини ундиришга қодир!..

Агар "Ўткан кунлар" романининг ҳар бир сатридан меҳр-муҳаббат ҳисси уфуриб турса, "Кеча ва кундуз" романида эса меҳр-муҳаббатга нисбатан раҳм-шафқат ҳисси ёрқинроқ ифодаланган.

Тўғри, асарнинг дастлабки саҳифаларида бош қаҳрамон Зебинисо тасвирида, хусусан, унинг дугонаси Салтанат билан супурги талашиш асносидаги хатти-ҳаракатлари тасвирида, худди Кумушбиби тасвиридаги каби, муаллифнинг ўз қаҳрамонига ўзгача бир меҳр-муҳаббати яққол зуҳур кўрсатиб турибди. Лекин, умуман олганда, бутун асар мобайнида муаллиф ўзи кўнгил қўйган қаҳрамонларининг хор ва абгор аҳволига раҳми келиб қарайди. Бутун асар мустамлака шароитида аянчли қисматга гирифтор этилган жафокаш халқ ва уни ташкил этувчи ночор-нотавон, содда-бечора жонларга раҳм-шафқат ҳисларига лимо-лим! Бу раҳм-шафқат севимли қаҳрамонларини шундай афтода кўйга солган замона зўрларига ва, умуман, мустамлака тузумга нисбатан муаллиф қалбида бош кўтарган нафрат туйғусига шу қадар йўғрилиб-қоришиб кетганки, айни шу ҳол асарда акс этган раҳм-шафқат ҳиссини икки баравар кучайтириб тургандек!..

ОТАУЛИ

Ўзлик

Анча вақтдан бери шууримдан кетмаётган — "Миллийлик ҳеч қачон йўқолмайди. Замон қанчалик ривожланмасин, муносабатлар нечоғли кўриниш олмасин, одамлар барибир, миллийликни соғиниб, қадрлаб яшайверадилар", деган фикр тинчлик бермаётганди. Педагогика фанлари доктори М.Қуроновнинг таъкидлашича, "Тикланиш, ривожланиш, юксакликка эришишда миллийлик катта аҳамиятга эга". Чиндан ҳам шундай!

Юриш-туришимиз, кийинишимиз, қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз, куй-қўшиқларимиз, қўйингки, барча қадрлайдиган нарсаларимиз ва ниҳоят, руҳиятимизга зимдан баҳо берар эканмиз, бугунги кунда халқимизнинг миллий қиёфаси, миллий руҳи қайта тикланиб, юксакликка интилаётганини тушуниб етамиз. Бу эса миллий тараққиётга пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Миллийлик йўқолмайди

Кичик тадқиқотнинг катта аҳамияти

Яқинда Наманган давлат университети ва Наманган муҳандислик педагогика институтининг 150 нафар талаба йигитлари иштирокида психологик сўров ўтказилди. Ушбу сўровнома "Қизлар йигитлар наздида" деб номланди. Бугуннинг қизлари шу тадқиқотнинг натижаларидан тегишли хулоса чиқариб олсалар, ажабмас.

Сўровномадаги барча саволларни келтириб ўтирмасдан, улардан айримларига берилган жавобларни таҳлил қилишни лозим, деб топдик. Мисол учун, «Сиз бўлажак турмуш ўртоғингизни қандай маълумотга эга бўлишини истардингиз?" деган саволга аксарият талабалар (НамДУ — 71 фоиз, НамМПИ — 82 фоиз) "Олий маълумотли" деб жавоб беришган. Демак, натижалар ажойиб! Зеро, бўлғуси оналар ўқимишли, тарбияли бўлса, улардан дунёга келадиган фарзандлар оналарнинг илми ва тафаккуридан озиқланадилар. Пировардида, эл-юрт тараққиётига хизмат қиладиган комил инсонлар бўлиб вояга етадилар.

Яхши қиз маҳалладан ортмайди

Маҳалла, оила — Ватан ичра кичик Ватан. Биз мулоҳаза юритаётган миллий қадрият, одат ва анъаналаримиз ҳақидаги тасаввурларимиз дастлаб айнан оила ва маҳаллада шаклланади. Фарзандларимиз учун маҳалла — бемисл, бетимсол тарбия маскани. Азал-азалдан халқимиз маҳалладошларини қадрлаган, бир-бирларининг ҳолидан хабар олган. Улар "иссик-совук" кунларда доимо бирга бўлишган. Бир болага етти маҳалла ота-оналик қилган. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир оила, унда камол топаётган фарзандлар ҳақида кайвони момоларимиз етарлича маълумотга эга бўлишган. Ақлли, яхши тарбия кўрган, ширинсўз, эпчил қизларнинг эса «харидори" кўп бўлган.

Айтганча, "Сизнинг бўлажак турмуш ўртоғингиз қаердан бўлишини истардингиз?" деган саволга сўровнома иштирокчиларининг 75 фоизи "Маҳалламдан" дея жавоб беришган. Ҳа яшанг, кўпни кўрганлар бежизга «Яхши қиз маҳалладан ортмайди" дейишмас экан-да...

Миллийликка қайтиб... ёхуд Шабнам қизлар

Шу кунларда бошида ўзбекона дўппи, миллий кийинган узун сочли қизларни йигитлар "Шабнам" деб аташи урфга кирди. Бунинг сабаби бир фильмда шундай исмли гўзал қиз образи ёшларда ўзгача таассурот қолдирган. Тўғри-да, бошидан оёғигача ўта замонавий кийинган, ўзига торлик ва очиқликни эп кўрган соҳибалар қайда-ю, ўзида миллий қиёфасини акс этган қизлар қаёқда!

Сўровномада қатнашган йигитларнинг 85 фоизи бўлажак турмуш ўртоғини миллий кийимларда юришини афзал билиши маълум бўлди. Ҳа, мақоламиз аввалида ёзганимиздек, миллийлик ҳеч қачон "ўлмайди", эътибордан қолмайди.

— Миллийлик — маънавиятимизнинг ажралмас қисми, — дейди Наманган давлат университети 2-курс талабаси Дилрабо Қодирова. — Мен дугоналаримнинг кўпчилигида миллий кийиниш хоҳиши борлигини кузатганман. Фақат уларда замондан ортда қолиш қабилидаги ҳадик ҳукмрон.

Демак, тадқиқотнинг назарий хулосасига асосланса, шахс умуминсоний ва миллий қадриятларни ўз ҳаётининг мақсад ва мезонларига мувофиқ доимий равишда такомиллаштириб бориб, истиқболли турмуш тарзига эришади.

Орифжон ЖЎРАЕВ,
Наманган давлат университети педагогика факультети талабаси

Китобхонлик

Соғинч сирдони

Ой ўктам бўлиши мумкинми?! Шоира Ўктамойнинг шеърларини ўқиган мухлис унинг ўктамлигига ишонади.

Муаллифнинг навбатдаги китоби "Сирдон", деб аталибди. Ниманинг сирдони? Соғинчними?!

Қалбни тишлар оч қолган соғинч
Дардларим кўнгилга сиғмайди.
Азобингга кўникдим нечун,
Юрагимда оққуш йиғлайди.

Бесабр, беором, безовта соғинч ранглари.

Ўктамойнинг шеърларида соғинч туйғуси устувор. Бу соғинч кенг маънодаги дўст-ёр, ватан, қишлоқ соғинчи, дунё соғинчи...

Шоира бир шеърида бошдан-оёғи юрак — қалбдан иборат эканини шундай урғулайди:

Умрим — узун кўйлагим,
Тўқилган минг хатодан.
Бошдан-оёқ вужудим
Юрак деган матодан.

Таниқли шоир Б.Рўзимуҳаммад шоира ижодига хос яна бир хусусиятга эътиборни жалб этади:

"Ўктамой — табиат ва инсонлар орасидаги ришталарни рассомона чиза олади. Кўпгина битикларида аччиқ изтиробнинг гўзал кўринишлари, ширин навозишлари қаламга олинади. Ижодкор — кўнгил одами. У бир вақтнинг ўзида ҳам кўнгли борлигидан шодланади, ҳам шу кўнгил туфайли қанча азоб, изтироблар чекади. "Мен кўнгил қасрида оддий чўриман", "кўнгил — томиб тугаган кўз ёш", "кўнгил — тилларимни куйдирган оғу" сингари мисраларда кўнгилнинг товланишлари, унинг серқирралигини кўрсатиб, "бу дунёда ишим қолмади, кўнгил синиқларин теришдан бошқа", деган хулосага келади".

Ўктамой, ҳақиқатан ҳам, мусаввирона нигоҳ соҳибаси. Нозик ва исёнкор туйғуларини табиат манзаралари воситасида маҳорат билан ифодалайди. Бинобарин, шоира "Юрак" шеърида "қалб", "изтироб", "соғинч". "ҳижрон азоби" каби армонли ҳолатни ифодаловчи сўзу ибораларни бирон марта ҳам тилга олмайди. Бироқ "Қора кўзга сурма тортиб минг ишвада келган хушрўй кеча" оғушидаги табиатни тасвирлаш воситасида айни ҳолатни рассомона чизади.

Ўктамой она тилимиз жонкуяри, мумтоз шеъриятимиз мухлиси ва тарғиботчиси экани билан фахрланади:

"Ҳиндистондаги Жаҳон шеърияти фестивалида иштирок этганимда, — деб эслайди шоира, — беш-олтита шеъримни инглиз тилида ўқидим. Минбарда турганимда хаёлимга бир фикр келди: "Шундан-шунга келиб, инглиз тилида шеър ўқиб, индамай қайтиб кетавераманми? Йўқ, булар ўзбек сўзининг жарангини ҳам бир эшитиб кўришсин!" Шундай ўйладим-да, залга қараб: "Кечирасизлар, мен сизларга ўз тилимда ҳам бир шеър ўқиб бермоқчиман", — дедим ва Бобораҳим Машрабнинг "Эй сабо, ғамбодадирман" номли ғазалини ўқидим. Гулдурос қарсаклар янграб, "ваҳ-ваҳ" деган хитоблар эшитилди".

Шеърият образ-тимсол билан гўзал. Лекин тимсол юксак мақсадларга хизмат қилса, шеърнинг таъсири, кучи чандон ортади. Ўктамойнинг шеърларида она Табиат, Замин, Мажнунтол, Намозшомгул, ҳатто Ғўзапоя ҳам беназир тимсол вазифасини ўтайди ва юксак мақсадларга сафарбар этилади. "Саҳродек сарғайган соғинч қушлари" нолаларидан ҳатто эси оғар даражага етган, ҳижроннинг "қора ёмғирларида" бағри минг пора шоиранинг романтикадан зинҳор-базинҳор воз кечмаслиги ҳайратлантиради. Хусусан, Ўктамойнинг шоирона тимсоллар сеҳри билан мунаввар мисралари бисёр.

Абдуҳамид ПАРДАЕВ

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

масъулияти чекланган жамияти 2011 йил 30 декабрь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-уй Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси автокорхонасининг 1991й.и\ч, д\р 10TQ752, бошланғич нархи 2 350 000 сўм бўлган «ГАЗ-53»; Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш бош маркази давлат унитар корхонаси балансидаги 1998 й. и\ч, д\р 01/589 FAA, бошланғич нархи 18 067 075,10 сўм бўлган «Хюндай Старекс» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда 2012 йилнинг 5,12,17 январь кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аризалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.

Алоқа телефони 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Суд департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг д/р 10AU066 бўлган «ВАЗ-2115-119» 4 900 000 сўмга; д/р 10AU702 бўлган «ГАЗ-3110-101» 5 500 000 сўмга; д/р 10AY701 бўлган «Нексия» 7 750 000 сўмга; Суд департаменти Тошкент вилоят бошқармасининг д/р 10AJ770 бўлган «Нексия» 5 200 000 сўмга; д/р 10AP481 бўлган «Нексия» 10 000 000 сўмга; д/р 11 AI 011 бўлган «Нексия» 6 800 000 сўмга; д/р 10AL858 бўлган «Нексия» 9 600 000 сўмга; д/р 10AP655 бўлган «Дамас» 5 800 000 сўмга; д/р 10BE218 бўлган «Дамас» 6 200 000 сўмга; д/р 10/822 OAA бўлган «Тико» 6 300 000 сўмга; д/р 11AA472 бўлган «Дамас» 5 700 000 сўмга; д/р 01/552 JBA бўлган «Дамас» 5 950 000 сўмга; д/р 01 645 EBA бўлган «ГАЗ-3307» 11 900 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳар Савдо бошқармасининг автокорхонаси тасарруфидаги д/р 10TQ727 бўлган «ЗИЛ-ММЗ-4502» 2 850 000 сўмга; д/р 10TQ731 бўлган «ЗИЛ-431410» 2 850 000 сўмга; д/р 10TQ742 бўлган «УАЗ-33031» 1 950 000 сўмга; д/р 10TQ711 бўлган « МАЗ-5337» 9 200 000 сўмга; д/р 10TQ750 бўлган «ГАЗ-53» 2 680 000 сўмга; д/р 10TQ756 бўлган «ГАЗ-53» 2 630 000 сўмга; д\р 10TQ759 бўлган «2-ПП-14» русумли яримтиркама 1 420 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармаси 2 ҳарбий савдо ташкилотининг д/р 11TP666 бўлган «ГАЗ-53 АБШ» 1 730 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

МАДАНИЯТ



Бугунги кунда ҳаёт тарзимиз учун зарур ахборотларни турли воситалар, ахборот манбалари тезкорлик билан етказиб бермоқда. Уларнинг сони ҳам, тури ҳам бениҳоя кўп: газета, журнал, телевидение, радио, интернет, телефон, баннер, плакатлар.

Тарғибот омиллари

Тасвир ва тасаввур

Дарвоқе, плакатлар ҳақида. Биргина тугмачани босиш орқали барча маълумотларга эга бўлиш имконияти мавжуд бўлган даврда ўзига хос ахборот манбаи бўлмиш плакатларга қанчалик эҳтиёж бор, деб ўйлайдиганлар ҳам топилади. Бироқ инсон онгида тасвир орқали тасаввур пайдо қилиш, шу аснода уни хотирага мухрлаш азалдан ўзини оқлайдиган усуллардан эканини англаганингиз сари бундай фикрдан узоқлаша бошлайсиз. Айниқса, ажойиб дизайн, қисқа, ихчам жумлалардаги теран мазмун, мухтасар фикр, ҳаётимиздаги янгиланишлар, ўзгариш ва жараёнларни ўзида акс эттирган ранг-баранг тасвирлар уйғунлашган плакатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шу маънода айтиш мумкинки, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардан аҳолини хабардор этишда плакатларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Ҳар куни серқатнов йўллар, одамлар гавжум бўладиган жойларда ўрнатилган турфа хил плакатларга кўзимиз тушади. Ушбу плакатлар маълум маънода реклама қилиш, ахборот бериш вазифасини бажаради. Умумхалқ сайловлари арафасида тайёрланадиган, саломатлик масканлари, таълим муассасалари, бозор ва аҳоли гавжум жойларда омма учун долзарб мавзулар акс эттирилган плакатларнинг тарқатилиши тезкор ҳаётимизда энг зарур маълумотларни олишда, шубҳасиз, жуда қўл келади. Биргина мисол. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб тайёрланган плакатлар юртимиздаги шаҳар, туманларнинг кўркига кўрк қўшишдан ташқари, одамларга маълум даражада ахборот бериш вазифасини ҳам бажармоқда.

Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланган жорий йилда мамлакатимиз эришган улкан ютуқларни халқимизга етказиш, шунингдек, жаҳон аро намойиш этиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларда ҳам плакатларнинг ўз ўрни ва таъсири бор.

Яқинда «Маънавият» нашриётида тайёрланган «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» мавзуидаги плакатлар туркуми фикримизнинг яққол исботи бўла олади. Уларда мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузли ўрни, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ёрқин суратларда акс этган. Юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари, ўсиб келаётган навқирон авлод, интеллектуал салоҳиятли, юксак маънавиятли ёшларнинг бахтиёр қиёфалари ўз ифодасини топган — «Жаҳон бизга тан бермоқда», «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Қишлоқ ободлиги — юрт ободлиги», «Иқтисодиётимиз локомотивлари», «Озод юрт тимсоллари», «Ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи» деб номланган бу плакатлар барча таълим муассасаларининг ўқувчилари, кенг аҳоли қатламининг онгу тафаккурини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.



Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Hurriyat» мухбири

Бокс

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Жиззах шаҳрида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 288 нафар спортчи иштирок этди.

Ўн вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда Андижон вилояти боксчилари бешта олтин, битта кумуш ва еттита бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Жиззахлик боксчилар иккинчи, Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни банд этди.

— Чемпионат юксак савияда ўтди, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев. — Мусобақа вилоятларда ҳақиқий маҳорат мактаблари шаклланаётганини, кўплаб кучли боксчилар етишиб чиқаётганини кўрсатди. Чемпионат ғолиб ва совриндорлари орасидан мамлакатимиз терма жамоаси учун номзодлар саралаб олинди.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Кадрият

ОЛАМ ВОЛИДАЛАРИ ҚЎШИҒИ

Алла... Неча замонлардан буён бу қўшиқ онанинг қайноқ эҳтиросларидан, меҳр анворлари, қалб нидолари ҳосиласи сифатида сайқал топиб, гўзаллашиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Фольклоршунос олим А.Ветухов: "Она ўзининг туғма сезгирлиги билан бола учун фақат қўшиқ кераклигини... Тинчлантирувчи ёрқин қўшиқ кераклигини англади. Шу зайлда алла юзага келди", деб ёзган эди. Алланинг қачон ва қандай пайдо бўлгани номаълум. Аммо оналик муҳаббати, меҳру таровати мавжуд бўлган жойда алла ҳам қандайдир кўриниш ва шаклда яшаган. Ушбу сеҳрли қўшиқ ўзбек, уйғур ва тожик халқларида бир ном билан аталади. Айрим тахминларга кўра, "алла" номи "Аллоҳ" сўзидан келиб чиққан бўлиб, Яратгандан чақалоқни ўз паноҳида асрашни илтижо қилиш билан боғлиқ экан.

Алла минг йиллар давомида жамият ривожланиши билан ўзгариб, такомиллашиб келган. Ҳар бир миллат унинг ўзига хос турфа хил кўринишларини яратган. Натижада аллаларнинг турли ҳудудларга тегишли ноёб тўпламлари вужудга келган. Хусусан, Осиё халқлари аллаларнинг жуда кўп вариантларини яратган. Япон аёллари Эдо, Итсуки, Шимабара, Такедо ва Чугоку вилоятлари аллаларини ўз жигаргўшаларига бахшида этадилар. Ҳинд оналари томонидан ўн икки турдаги алла куйланади. Арманистонда болалар Нана, Лўрик, Рўрик, Аер, Ҳейрўр каби, Индонезияда Нина бобо, Кореяда Жажанг Га аллаларини тинглаб ором олади. Озарбайжоннинг Лай-лай алласида қуйидаги мисраларни тинглаш мумкин:

Сирин-сирин ят, ай бала,
Боя баса кат, ай бала.
Сенде бир гун ўз сесини,
Эл сенисе кат, ай бала,
Сене дейир, лай-лай...

Рус болалари эса сўз ва оҳанг уйғунлашиб кетган мана бу қўшиқни мириқиб тинглашади:

Баю-баю-баю-баю,
Не ложись, дитя, на краю,
С краю свалишься,
Мамы схватишься.
Придет серенький волчок,
Схватит детку за бочок...

Қадимги яҳудий халқларининг анъанавий оҳангларида Лилиз исмли қаҳрамон бўлган. Лилиз тунда алвасти қиёфасида намоён бўлиб, халқ тасаввурида гўёки болалар юрагини ўғирлаб кетармиш. Яҳудийлар болалар хонасининг деворларига Лилиздан ҳимоялаши учун «Лилиз-аби» номли тўртта тумор осиб қўйишармиш. Бугун олимлар инглизча «lulaby», яъни «алла» сўзи айнан мана шу тумор номидан келиб чиққан, деган тахминни илгари сурмоқдалар. Дарвоқе, инглиз халқи миллий оҳангларида бир неча йўналишдаги аллалар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз номига эга. Инглиз оналари томонидан «Brahm's lulaby» «Браҳм алласи» энг кўп ижро этиладиган алла ҳисобланади. Унинг матнини Жонс Браҳм иккинчи ўғли туғилганида ёзган ва у кейинчалик оммалашиб кетган. Бундан ташқари, инглиз миллий лирикасида яна беш турдаги аллалар бўлиб, улар: «By Baby Bunting», «Lavendar's blue», «Twinkle, twinkle, little star», «Scottish lulaby», «Hush, little baby» кабилардир. Инглиз аллалари француз ва немис аллалари лирикасига монанд. Буюк бастакор Моцарт «Twinkle, twinkle, little star» алласининг французча таржимасини эшитиб, унинг ўн икки хил вариантини ёзган.

Алла — олам оналари қўшиғи. У бутун дунё бўйлаб куйланади. Шу сабабдан ҳам у ҳар биримиз учун қадрдон ва қалбга яқин. Она қалбидаги кўтаринкилик аллада бутун борлиғича ўз ифодасини топиб, гўдакка уйқу чақиради. Алланинг майин оҳангига сингган умрбоқий ҳисларнинг нафис ранглари болаларнинг эндигина шаклланиб келаётган дастлабки маънавий эҳтиёжларини қондиради. Аллада ифодаланган кайфиятнинг натижаси ўлароқ, мурғак гўдакнинг келажакда қандай характер эгаси бўлишига асос солинади. Кўтаринки кайфиятда куйланган алла фарзанднинг серзавқ бўлиб ўсишига замин ҳозирлайди. Серзавқ ва хушчақчақ инсоннинг эса иродаси бақувват, қалби тоза бўлади. Онанинг армону изтироблари, андуҳлари ўз ифодасини топган ҳазинликка мойил алла болаларнинг руҳан маъюс, тушкун чеҳрали бўлиб етишишига сабаб бўлади.

Алла — мусаффо туйғулар қўшиғи. Ундаги куй ва оҳанг, ундаги мазмун берадиган ҳисни бошқа ҳеч бир қўшиқ ёки мусиқа бера олмайди. Алладаги вазминлик, самимийлик ўз фарзандига онанинг изҳоридек ёқимли ифоланади.

Бундан ташқари, алла болаларнинг эстетик дидини шакллантиришдаги илк қадамдир. Унда она гўё фарзандини биринчи бор ҳаёт билан таништиради. Нуридийдасини гўзал сифатлар билан таърифлаб, келажакда шу инсоний фазилатларни унда кўришни хоҳлайди.

Замонлар оша гўзаллашиб, сайқаллашиб, мукаммаллашиб келаётган алла қайси жойда, қайси муҳитда, қайси миллат вакиласи томонидан куйланишидан қатъи назар, ундаги самимий қалб оҳанглари гўдакка ором бағишлайди. Чунки аёл қалби, аёл хоҳиш-истаклари, аёл ҳиссиётлари фарқ қилиши мумкиндиру, бироқ она муҳаббати дунёнинг ҳамма бурчагида бир хил, оналар қалби ўзгармас ва қаримасдир. Қаримайдаган қалбдан чиққан алла садолари эса ҳеч қачон эскирмайди.

Наргиза ХУСАНОВА,
ЎзМУ талабаси



Газетанинг навбатдаги сони 2011 йил 8 декабрь куни чиқади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро —	8-365-592-85-02
Самарқанд —	8-366-233-62-12
Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Фарғона —	8-373-215-80-58
Хоразм —	8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 05

® — тижорат белгиси.

Адади: 5212 Буюртма — Г-1155 1 2 3 4 5